



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ЭРОН ПАРЛАМЕНТИНИНГ РАЎБАРИ БИЛАН КЎП ҚИРРАЛИ ҲАМКОРЛИКНИ КЕНГАЙТИРИШ МАСАЛАЛАРИНИ МУҲОКАМА ҚИЛДИ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 13 июль куни Эрон Ислом Республикаси Исломий Кенгаш Мажлиси раиси Муҳаммад Багир Қолибоф бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

Ўзбекистон билан Эрон ўртасидаги кўп қиррали муносабатларни янада ривожлантириш, шунингдек, минтақавий кун тартибининг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон ва Эрон ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни юқори суръатда давом эттириш ва устувор йўналишларда кенгайтиришга хизмат қилаётган фаол мулоқотлар ва сермахсул алмашинувларни мамнуният билан қайд этди.

Савдо-иқтисодий соҳадаги ҳамкорлик кўрсаткичлари ўсаётгани кузатишда — жорий йил бошдан товар айирбошлаш 40 фоизга, қўшма корхона ва лойиҳалар сони 360 тадан ошди. Февраль ойида Ҳукуматлараро комиссиянинг навбатдаги йиғилиши ҳамда икки мамлакат ишбилармон доиралари ва етакчи корхоналари вакиллари иштирокида бизнес-форум муваффақиятли ўтказилди. Келгуси ойларида қатор муҳим икки томонлама тадбирлар ўтказилиши режалаштирилган.

Исломий Кенгаш Мажлиси раиси Ўзбекистон етакчисига Эрон Президенти Иброҳим Раисийнинг саломи ва энг эзгу тилақларини етказиб, Эрон томони дўст давлатларимиз ўртасидаги кенг қўламли муносабатларни мустаҳкамлаш ва ама-

лий мазмун билан бойитиш борасида қатъий эканини таъкидлади.

Музокараларда ўзаро савдо ҳажмининг ошиши учун қулай шароитларни шакллантириш, транспорт ва логистика соҳасидаги қўшма лойиҳаларни илгари суриш, илмий-техник алмашинув дастурларини амалга ошириш, ҳудудлар ва тадбиркорлар ўртасидаги алоқаларни фаоллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Келишувларни амалга ошириш ва ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг истиқболли лойиҳаларини илгари суриш мақсадида самарали парламентлараро мулоқотни давом эттиришга келишиб олинди.

Афғонистондаги вазият юзасидан ҳам фикр алмашилди. Ушбу мамлакатда узоқ муддатли тинчликка эришиш ва унинг ижтимоий-иқтисодий тикланиши йўлидаги кўмакни кенгайтириш муҳим экани қайд этилди.

Бундан ташқари, халқаро ташкилотлар доирасидаги ҳамкорлик масалалари, шу жумладан, жорий йил сентябрь ойида Самарқанд шаҳрида ўтказилган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти саммитининг кун тартиби кўриб чиқилди.

ЎЗА

ТУРКМАНИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ДАВЛАТ ТАШРИФИ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОНДА БЎЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Туркменистон Президенти Сердар Бердимухамедов 14-15 июль кунлари давлат ташрифи билан мамлакатимизда бўлади.

Олий даражадаги музокаралар кун тартибидан Ўзбекистон билан Туркменистон ўртасидаги дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтириш масалалари урин олган.

Асосий йўналишлардаги амалий алоқаларнинг, шу жумладан, ўзаро савдо ҳажмининг ошириш, саноат кооперациясини йўлга қўйиш, транспорт-транзит салоҳиятини самарали ишга солиш, сув ҳўжалиги соҳасида муҳим лойиҳаларни амалга ошириш, ҳудудлараро мулоқотни фаоллаштириш ҳамда маданий-гуманитар алмашинув дастурларини давом эттириш истиқболлари диққат марказида бўлади.

Давлат раҳбарлари халқаро аҳамиятга молик масалалар ва минтақавий ҳамкорликнинг долзарб жиҳатлари юзасидан фикр алмашиши кўрилмоқда.

Саммит якунида Қўшма баёнот

ва қатор икки томонлама ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилган.

Олий мартабали меҳмон Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида учрашув ўтказиши ва Самарқанд шаҳрининг диққатга сазовор жойлари билан танишиши кўзда тутилган.

Ушбу ташрифга тайёргарлик доирасида 1-2 июль кунлари Тошқувуш шаҳрида Сув ҳўжалиги масалалари бўйича қўшма ҳукуматлараро комиссиянинг тадбирлари муваффақиятли ўтди.

12 июль куни пойтахтимизда икки томонлама муносабатларни кенгайтириш ва стратегик шериклик салоҳиятини рўёбга чиқариш масалаларига бағишланган Ўзбекистон — Туркменистон илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди.

Ташриф арасида Бухоро шаҳрида биринчи Ҳудудлар форуми, Ишбилармонлар кенгаши йиғилиши ҳамда Ўзбекистон ва Туркменистоннинг етакчи корхоналари кўргазмаси ўтказилмоқда.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ 2022 ЙИЛ 2 ИЮЛДАГИ “ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХУДУДИДА ФАВҚУЛОДДА ҲОЛАТ ЖОРИЙ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА”ГИ ПФ-164-СОН ФАРМОНИГА ЎЗГАРТИРИШ КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасининг “Фавқулодда ҳолат тўғрисида”ги Конституциявий қонунига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 2 июлдаги “Қорақалпоғистон Республикаси худудида фавқулодда ҳолат жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-164-сон Фармонининг 2-бандидаги “соат 21:00 дан соат 07:00 га қадар” сўзлари “соат 23:00 дан соат 05:00 га қадар” сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Мазкур Фармон имзоланган

кундан эътиборан кучга киради ва оммавий ахборот воситаларида дарҳол эълон қилиниши шарт.

3. Мазкур Фармон Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси палаталарига тасдиқлаш учун юборилсин.

4. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Хавфсизлик кенгаши котиби В.В.Махмудов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2022 йил 13 июль

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

КОНЦЕРТ-ТОМОША ФАОЛИЯТИНИ АМАЛГА ОШИРУВЧИ ШАХСЛАРДАН ДАВЛАТ БОЖИНИ УНДИРИШ ҲАМДА УЛАРНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Концерт-томоша фаолиятини амалга ошириш лицензияси учун давлат божини ундириш ва ушбу лицензияга эга шахсларни солиққа тортиш тизимини такомиллаштириш ҳамда санъаткорлар учун қулай ижодий муҳит яратиш мақсадида:

1. Концерт-томоша фаолиятини лицензия асосида амалга оширувчи ижрочиларнинг рейтинг гуруҳлари сони амалдаги 6 тадан 3 тага қисқартирилсин.

Бунда, аҳолига концерт-томоша хизматларини кўрсатиш ҳуқуқи ижрочиларнинг рейтинг гуруҳлари орасида қуйидагича тақсимланади:

а) I рейтинг гуруҳи ижрочиларига: республика худудида ва унинг ташқарида яққалон концерт ташкил этиши;

б) II рейтинг гуруҳи ижрочиларига: битта жанрнинг икки ва ундан кўп ижрочилари иштирокидаги концерт-томоша дастурида, турли жанрлар йўналишларининг бир нечта ижрочилари иштирокидаги концерт-томоша дастурида қатнашиш;

оммавий ахборот воситаларида қўшиқлар ва видеоклипларни тақдим этиши;

III рейтинг гуруҳи ижроси учун назарда тутилган ҳуқуқлардан фойдаланиши;

в) III рейтинг гуруҳи ижрочиларига: тўй, юбилей ҳамда бошқа маросим ва тантаналарда, жумладан, тўйхона, ресторан, ҳордиқ чиқариш ташкилотлари (клуб, дискотека, бар ва қаҳвахона) ва хусусий уйларида концерт-томоша хизматларини кўрсатиш;

созанда ва раққос(а)лар томонидан битта жанрнинг икки ва ундан кўп ижрочилари иштирокидаги концерт-томоша дастурларини ташкил этиш ва уларда қатнашиш.

2. Концерт-томоша фаолиятини амалга ошириш лицензияси учун давлат божини ундириш бўйича шундай тартиб жорий этилсинки, унга кўра 2022 йил 1 сентябрдан бошлаб:

а) давлат бож ставкалари пасайтирилади ва қуйидаги миқдорларда белгиланади:

I рейтинг гуруҳи учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 20 баравари миқдориди;

II рейтинг гуруҳи учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 баравари миқдориди;

III рейтинг гуруҳи учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 3 баравари миқдориди;

б) қуйидаги санъаткорлар давлат божини тўлашдан озод этилади:

ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар;

ногиронлиги бўлган шахслар;

таълим муассасаларида ўқийдиган талабалар — ўқиш муддати давомиди;

в) юридик шахс ташкил этган ижодий жамоалардан давлат божига ягона лицензия бўйича ундирилади. Бунда:

лицензияда ижодий жамоа аъзолари тўлиқ кўрсатилади ва улардан лицензия учун давлат божига қўшимча равишда ундирилмайди, ижодий жамоа аъзоси мустақил ижрочи сифатида ижод қилган ҳоллар бундан мустасно;

ижодий жамоа унинг барча аъзолари давлат божини тўлашдан озод қилинган шахслардан таркиб топган тақдирдагина давлат божига тўлашдан озод қилинади.

3. Маданият вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг қуйидаги таклифларига розилик берилсин:

концерт-томоша фаолиятини лицензия асосида амалга оширувчи жисмоний шахсларга даромад солигининг декларация асосида ёки қатъий белгиланган миқдорда тўлаш ҳуқуқини бериш;

2024 йил 1 январдан бошлаб хонандалардан, 2026 йил 1 январдан бошлаб қолган ижрочилардан даромад солигини фақат декларация асосида ундириш.

4. Белгилаб қўйилсинки:

а) декларация асосида ёки қатъий белгиланган миқдорда даромад солигини тўлаш ҳуқуқи хонандаларга 2024 йил 1 январга қадар, концерт-томоша фаолиятини лицензия асосида амалга оширувчи бошқа жисмоний шахсларга 2026 йил 1 январга қадар берилади;

б) декларация асосида солиқ тўлашни танлаган ижрочилар учун:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

2022-2026 ЙИЛЛАР ДАВОМИДА АМАЛГА ОШИРИЛИШИ МЎЛЖАЛЛАНГАН “ХАВФСИЗ ВА РАВОН ЙЎЛ” УМУММИЛЛИЙ ДАСТУРИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-27-сон Фармони ижросини таъминлаш, шунингдек, йўл ҳаракатини ташкил этиш тизимини янада такомиллаштириш, автомобиль йўллари инфратузилмасини ривожлантириш

ва йўл ҳаракати иштирокчилари учун қулай шароитлар яратиш мақсадида:

1. Йўл инфратузилмасини такомиллаштириш ва хавфсиз ҳаракатланиш шароитларини яратиш орқали йўлларда авария ва ўлим ҳолатларини кескин қисқартириш, шу жумладан, ҳаракатни бошқариш тизимини тўлиқ рақамлаштириш ва жамоатчиликнинг ушбу

соҳадаги ишларда кенг иштирокини таъминлаш мақсадида қуйидагиларни назарда тутувчи 2022-2026 йиллар давомида республика худудида амалга оширилиши мўлжалланган “Хавфсиз ва равон йўл” умуммиллий дастури (кейинги ўринларда — Дастур) иловага мувофиқ тасдиқлансин:

автомобиль йўллари инфратузилмасини комплекс такомиллаштириш;

автомобиль йўлларида ҳаракатни бошқариш тизимини рақамлаштириш; жамоат транспортини ривожлантириш ва рақамлаштириш;

йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш, болаларга йўл ҳаракати қоидаларини амалий ўргатишни йўлга қўйиш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ**КОНЦЕРТ-ТОМОША ФАОЛИЯТИНИ АМАЛГА ОШИРУВЧИ
ШАХСЛАРДАН ДАВЛАТ БОЖИНИ УНДИРИШ
ҲАМДА УЛАРНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШ ТИЗИМИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА**

Бошланиши 1-бетда

Йиллик умумий даромаднинг 30 фоизи миқдоридagi харажатлар тасдиқловчи ҳужжатлар талаб этилмаган ҳолда чегирилади;

тасдиқланган харажатлар суммаси умумий даромаднинг 30 фоизидан ошган тақдирда қўшимча равишда ушбу даромаднинг 10 фоизи миқдори чегирилади;

лицензия олиш учун ундирилган давлат божи ва ижтимоий солиқ суммалари харажат сифатида қайд этилади ҳамда даромадлар таркибидан чегирилади;

в) қатъий белгиланган миқдордаги солиқ тўлашни танлаган ижрочилардан даромад солиғи бир йилда бир марта қўйидаги миқдорларда ундирилади:

I рейтинг гуруҳи ижрочиларидан 2,7 миллион сўм миқдорда;

II рейтинг гуруҳи ижрочиларидан 1,8 миллион сўм миқдорда;

III рейтинг гуруҳи ижрочиларидан 1,0 миллион сўм миқдорда.

5. Шундай тартиб жорий этилсинки, унга қўра:

2024 йил 1 январга қадар III рейтинг гуруҳи ижрочилари қатъий белгиланган миқдордаги солиқ тўлашдан озод этилади;

2025 йил 1 январга қадар концерт-томоша фаолиятини лицензия асосида амалга оширувчи жисмоний шахслар меҳнат шартномаси асосида банд бўлмаган тақдирда, улардан концерт-томоша фаолияти бўйича ижтимоий солиқ бир йилда базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари миқдорда ундирилади;

концерт-томоша фаолиятини лицензия асосида амалга оширувчи жисмоний шахсларнинг юридик шахсларга хизмат

кўрсатишдан олган даромадларидан, улар томонидан танланган солиқ режимида қатъий назар, жисмоний шахслардан олинган даромад солиғи ва ижтимоий солиқ тўлов манбаида ушлаб қолинади;

юридик шахс ташкил этган ҳолда концерт-томоша фаолиятини лицензия асосида амалга оширувчи ижодий жамоалар жисмоний шахслардан олинган даромад солиғи ва ижтимоий солиқни юридик шахслар учун ўрнатилган тартибда тўлайди.

6. Концерт-томоша фаолиятини амалга ошириш лицензияси учун давлат божи тўлови лицензия олган йилда амалдаги тартиб бўйича, кейинги йиллардан бошлаб эса қўйидаги тартибда тақсимлансин:

30 фоизи — Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетига;

0,5 фоизи — Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармасининг электрон ҳукумат ва рақамли иқтисодиётнинг идоралараро лойиҳаларини молиялаштириш бўйича махсус ҳисобварағига;

қолган маблағлар — лицензияловчи ваколатли орган ҳисобварағига.

7. Давлат солиқ қўмитаси Маданият вазирлиги билан биргаликда уч ой муддатда “Soliq” мобил иловасида лицензия асосида концерт-томоша фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар учун даромадлар тўғрисидаги декларациянинг даромад ва харажатларини кунлик асосда онлайн юритиш имкониятини яратсин.

“Soliq” мобил иловасини мазкур банд талаблари асосида такомиллаштириш харажатлари Давлат солиқ қўмитасининг бюджетдан ташқари жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

8. Маданият вазирлигига вазирликнинг бюджетдан ташқари жамғармаси маблағлари ҳисобидан 2022 йилда 1 миллиард сўмга маблағни “Ўзбек-концерт” давлат муассасаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва ходимларини рағбатлантириш учун йўналтиришга рухсат берилсин.

9. Маданият вазирлиги: Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда мазкур Фармондан келиб чиқиб, жойларда тарғибот ва тушунтириш ишларини ташкил қилиш орқали ижрочиларнинг қўнуний тартибда фаолият кўрсатишларига қўмақлашсин;

бир ой муддатда қўнунийлик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган узғартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

10. Мазкур Фармон ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб маданият вазири О.А.Назарбеков белгилансин.

Фармон ижросини назорат қилиш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг ўринбосари А.А.Джурбаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ**2022-2026 йиллар давомида амалга
оширилиши мўлжалланган “ХАВФСИЗ
ВА РАВОН ЙЎЛ” УМУММИЛЛИЙ ДАСТУРИНИ
ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА**

Бошланиши 1-бетда

ҳайдовчиларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ҳамда транспорт воситаларининг техник ҳолати устидан назоратни кучайтириш.

2. Дастурда белгиланган манзилли тадбирларнинг амалга оширилишини ўз вақтида ва тўлиқ таъминлашга қаратилган қўйидаги назорат тартиби ўрнатилсин:

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокуратура — ҳар чоракда масъул давлат органлари томонидан Дастур ижроси амалга оширилиши юзасидан ҳудудлар кесимида ўрганишларни ўтказиш ва натижалари бўйича Бош прокуратурага ахборот беришни ташкил этсин;

Бош прокуратура (Н.Т.Йўлдошев), Ҳисоб палата (Б.Т.Турабов) — ҳар чоракда масъул давлат органлари раҳбарларининг Дастур ижроси, шу жумладан, ҳудудлар кесимида амалга оширилиши юзасидан ҳисоботларини эшитиш ва бажарилмаётган масалаларни юзасидан танқидий муҳокама қилиш мақсадида Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича республика махсус комиссиясига ахборот киритиш амалиёти йўлга қўйсин;

Вазирлар Маҳкамаси (А.Н.Арипов) — ҳар ярим йилда Дастур ижросини ҳудудлар кесимида танқидий муҳокама қилиш, ижроси юзасидан камчиликларга йўл қўйган масъул раҳбарларига интизомий жазо чораларини кўриш, шунингдек, Дастурда белгиланган тадбирларни тўлиқ амалга оширилишини ташкил этсин.

Дастурда белгиланган манзилли тадбирларнинг ўз вақтида ва тўлиқ

бажарилишини сўзсиз таъминлаш учун жавобгарлик шахсан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, ички ишлар вазири, Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўллари қўмитаси раиси зиммаларига юклансин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

Дастурда белгиланган тадбирларни амалга ошириш бўйича аниқ механизмларни назарда тутувчи манзилли чора-тадбирларни ўз ичига олган “Йўл харитаси”ни ҳар йили ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича республика махсус комиссиясига киритсин;

ҳар чоракда йўлларнинг ҳолати ва мавжуд инфратузилма, авария ўчоқлари, қоидабузарликлар аҳолининг таҳлили асосида, ҳаракат хавфсизлиги, транспорт ва йўл соҳаларига масъул идоралар раҳбарлари фаолиятини танқидий ўрганиб, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларига муҳокама қилиш учун киритиб борсин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Ички ишлар вазирлиги, Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўллари қўмитаси

Дастур доирасида амалга оширилаётган тадбирларда жамоатчилик иштироки таъминлашига ҳамда “Очиқ бюджет” ахборот портали орқали йўналтирилаётган маблағлардан айнан мазкур йўналишда самарали фойдаланишга алоҳида эътибор қаратсин;

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси билан биргаликда ушбу қарорнинг мақсади ва вазифалари оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини таъминласин.

5. Белгилансинки, Дастурда кўзда тутилган тадбирлар ҳар йили бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратилган маблағларнинг чекланган миқдорлари доирасида, шунингдек, “Хавфсиз йўл ва хавфсиз пиёда” республика жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

6. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Бош прокурор Н.Т.Йўлдошев, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, ички ишлар вазири П.Р.Бобононов ва транспорт вазири И.Р.Маҳамовлар белгилансин.

Қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчилари Б.Д.Исламов ва Р.А.Гулямовлар зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2022 йил 13 июльЎзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2022 йил 12 июль**Ўзбекистон – Туркманистон:****Яқин қўшнилар ва ишончли ҳамкорлар****Президентимиз Шавкат Мирзиёев таклифига биноан, 14-15 июль кунлари Туркманистон
Президенти Сердар Бердимухамедовнинг Ўзбекистонга давлат ташрифи бўлиб ўтади.**

Ўзбекистон — Туркманистон саммити яхши қўшничилик сиёсати давомийлигини ифода этиши ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни мустаҳкамлаш тимсолига айлангани, икки томонлама муносабатлар тарихида янги саҳифа очилиши, шунингдек, Марказий Осиё минтақасида барқарор ривожланишга эришиш жараёнига муҳим ҳисса бўлиб қўшилиши кутилмоқда.

Ўзбекистон ва Туркманистон минтақадаги яқин қўшнилар ва вақт синовидан ўтган ҳамкорлик сифатида мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ ўзаро ҳамкорликни фаоллаштириш, яхши қўшничилик, ўзаро ҳурмат ва тенг ҳуқуқлик тамойилларига асосланган самарали сиёсий мулоқот йўлини танлаган.

Туркманистон Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда ўзаро манфаатли ҳамкорлик ҳудудини яратиш, минтақанинг халқаро майдондаги роли ва аҳамиятини оширишга қаратилган замонавий очиқ, конструктив ташқи сиёсатини ҳар томонлама қўллаб-қувватламоқда. Минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик масалалар бўйича томонларнинг қарашлари ва позициялари мос келади ёки ўхшашдир.

Икки давлат раҳбарларининг сиёсий иродаси туфайли сўнгги йилларда давлатлараро муносабатлар сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди. Шу йил март ойида сайланган Туркманистон Президенти Сердар Бердимухамедов қардош мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасида ўрнатилган сиёсий мулоқот ва стратегик шерикликка асосланган самимий дўстлик ришталарини қўллаб-қувватламоқда ва давом эттирмакда.

Жорий йил январь ойида Сердар Бердимухамедов Туркманистон Вазирлар Маҳкамаси раиси ўринбосари сифатида амалий ташриф билан Тошкентга бўлган чоғида Шавкат Мирзиёевга Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимухамедовнинг барча йўналишларда жадал ривожланаётган Туркманистон — Ўзбекистон алоқаларига юксак баҳо берилган мактубини топширганди.

2017 йил икки давлат ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиришда тарихий йил бўлди. Ўзбекистон Президенти Туркманистонга уч марта сафар қилди, жумладан, 6-7 март кунлари давлат ташрифи билан бўлди. Бу мамлакатимиз раҳбарининг олий давлат лавозимига сайланганидан кейинги биринчи расмий хорижий сафари эди. Ушбу чуқур раъсий қадам икки томонлама алоқаларни янги босқичга олиб чиқди, уларга изчиллик ва кенг қамровли тус берди.



Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимухамедовнинг 2021 йил 4-5 октябрь кунлари Тошкентга мамлакатимизда бўлиб ўтадиган Президент сайлови арафасида амалга оширган расмий ташрифи ҳам муҳим воқеа бўлди. Тошкентдаги музокара-лар давлат раҳбарлари, мамлакатларимиз ва халқларимизнинг ўзаро қўллаб-қувватлаши, бирдамлиги ва ҳамжиҳатлигининг яна бир тасдиғи бўлдики, бу бугунги кунда дунёда рўй бераётган воқеалар шариоатида алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Сўнгги олти йил давомида икки давлат раҳбарларининг 20 дан ортиқ онлайн ва юзма-юз учрашуви бўлиб ўтгани ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз. Ўзбекистон ва Туркманистон етакчиларининг расмий ва давлат ташрифларидан ташқари халқаро ва минтақавий майдонларда ҳам учрашувлари бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашувлари алоҳида аҳамиятга эга.

Юқори даражадаги ўзаро ҳамкорлик ҳам фаоллашди — парламентлараро ва вазирликлараро муносабатлар изчил ривожланмоқда. Бу алоқалар ҳам икки томонлама, ҳам кўп томонлама шаклларда жадаллашмоқда.

Бугунги кунда 270 та икки томонлама, жумладан, 116 та давлатлараро ва ҳукуматлараро, 97 та идоралараро ва 57 та бошқа ҳужжатдан иборат ҳуқуқий база мустаҳкамланмоқда.

Туркманистон Ўзбекистоннинг муҳим савдо шерикларидан биридир. 2021 йил якунлари бўйича ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 902 миллион долларни ташкил этди, бу ўтган даврга нисбатан 64 фоиз кўп демакдир. Жорий йилнинг январь-май ойларида ушбу кўрсаткич 322,6 миллион долларга етди.

1996 йилдан буён Савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлик бўйича қўшма комиссия фаолият кўрсатиб, унинг доирасида 16 та йиғилиш ўтказилди. 2020 йил 7 октябрь кунини Ўзбекистон — Туркманистон ишбилармонлар кенгашининг биринчи мажлиси онлайн шаклда уюштирилди.

Турли даражадаги самарали учрашувлар мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликка янги суръат бағишлаб, уни амалий мазмун билан тўлдирмоқда. 2018 йил март ойида Ашхободда Ўзбекистон миллий sanoat кўргазмаси муваффақиятли ташкил этилди. Ўша йил апрель ойида Тошкентда Туркманистон миллий кўргазмаси ва икки давлат ишбилармон доиралари бизнес форуми бўлиб ўтди. Мазкур тадбирлар ҳамкорлик алоқаларини ривожлан-

тиришдан ўзаро манфаатдорлик, савдо-иқтисодий ва сарможий ҳамкорликни кенгайтириш учун катта салоҳият мавжудлигини кўрсатди.

Икки давлат ҳудудларининг алоқалари ўзаро ҳамкорликнинг муҳим йўналиши ҳисобланади. Томонлар Бухоро ва Лебап вилоятлари, шунингдек, Хоразм ва Тошқувоз вилоятлари ҳокимликлари ўртасида делегациялар алмашинуви олиқшлайди.

Ўзбекистон — Туркманистон саммити арафасида Бухоро шаҳрида биринчи ҳудудлараро форум самарали ўтди, унинг доирасида B2G ва B2B шаклларидаги манзилли учрашувлар ташкил этилди, икки томонлама ҳужжатлар имзолаш маросими уюштирилди. Анжуман якунида умумий қиймати 451 миллион доллар бўлган инвестициявий ва савдо битимлари тасдиқланди.

Шу ернинг ўзига Ишбилармонлар кенгашининг иккинчи йиғилиши ва қўшни мамлакатлар етакчи корхоналари махсулотлари кўргазмаси бўлиб ўтди. Мазкур тадбирлар томонлар ўзаро савдо-иқтисодий ва кооперация алоқаларини ривожлантиришдан манфаатдор эканини кўрсатди.

Икки давлат минтақадаги йирик энергетика лойиҳаларини амалга оширишда фаол иштирок этмоқда. Транспорт соҳаси ҳам ҳамкорликнинг устуви йўналишларидан биридир. Мамлакатларимизнинг ўзаро интеграциялашган автомобиль ва темир йўллари учинчи томонлар учун ҳам транзит вазифасини бажаради. Ўзбекистон Президентининг 2017 йил март ойида Туркманистонга давлат ташрифи чоғида тантанали очилиш маросими бўлиб ўтган Амударё устида қурилган Туркманобод — Фароб автомобиль ва темир йўл кўприклари бунинг далилидир.

Ҳамкорликда минтақавий ҳавфсизлигини мустаҳкамлаш масалалари алоҳида ўрин тутди. Ўзбекистон ва Туркманистон Марказий Осиёда тинчлик ва барқарор тараққиётни таъминлашнинг самарали механизмларини яратиш тарафдори.

Бу, айниқса, Афғонистон муаммосига муносабатда яққол кўзга ташланади. Ўзбекистон ва Туркманистон Афғонистоннинг яқин қўшилари сифатида ушбу мамлакатда темир йўл ва кўприклар қуриш, муҳим инфратузилма объектларини тиклаш, электр энергияси ва бошқа махсулотларни етказиб бериш бўйича қатор лойиҳаларни амалга оширишда ва шу орқали Афғонистон заминидан тинчлик ва оқошталлик ўрнатилишига салмоқли ҳисса қўшмоқда.

Ўзбек ва туркманларни боғлаб турган умумий тарих, маданият ва урф-одатларнинг ўхшашлиги халқларимизнинг умумий меросидир. Бу яқинлик

маданий-гуманитар ҳамкорликни ривожлантириш учун мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилмоқда.

2017 йил май ойида ўзбек ва туркман халқларининг азалий дўстлиги ва қардошлиги белгиси сифатида Тошкент шаҳридаги кўчалардан бирига буюк туркман шоири Махтумқули Фироғий номи берилди ва унинг шарафига монумент очилди. Туркманистон Президентининг Ўзбекистонга ташрифи муносабати билан Махтумқули кўчасида “Ашхобод” боғи ташкил этилди. Ўз навбатида, Туркманистон пойтахти Ашхобод шаҳрида Алишер Навоий шарафига ёдгорлик ўрнатилиб, халқларимиз яқинлиги ва ҳамжиҳатлиги тимсолига айланган “Тошкент” боғи барпо этилмоқда.

Ўзбекистонда Туркманистон вакиллари икки давлат ҳудудларида ўтказилаётган турли маданий тадбирлар, концертлар, фестивал ва танловлар, спорт мусобақаларида фаол иштирок этмоқда.

2017 йил сентябрь ойида Ўзбекистон спорт делегацияси Ашхобод шаҳрида ўтказилган Ёпиқ иншоотларда ва жанг санъатлари бўйича V Осиё йўналишида катнашди. Ўша йил ноябрь ойида Туркманистонда Ўзбекистон маданияти кунлари бўлиб ўтди. Мазкур тадбир доирасида санъат асарлари кўргазмаси, Ўзбекистон санъат усталари ва маданият арбобларининг концерти намойиш этилди.

Ўзбекистондаги туркман диаспораси 200 мингга яқин кишини ташкил қилади. Уларнинг тили, маданияти, урф-одатларини асраб-авайлаш ва ривожлантириш учун барча шароит яратилган. Хусусан, Ўзбекистонда таълим туркман тилида олиб бориладиган 44 та мактаб фаолият кўрсатмоқда. Қорақалпоқ давлат университетидеда туркман филологияси мутахассислари, Ажинеъ номидаги Нукус давлат педагогика институтидеда туркман тили ўқитувчилари тайёрланмоқда.

Ўзбекистон телевиденисининг марказий “Ешлар” телеканали ва Қорақалпоғистондаги “Дияр” радиоканалида туркман тилида кўрсатув ва эштитиришлар эфирга узатишмоқда. Қорақалпоғистондаги Туркман маданият маркази туркман тилида “Мекан” газетасини чоп этади.

Маданий алмашинувлар ва халқларимиз ўртасидаги дўстлик муносабатлари ўзаро ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга хизмат қилади. Шу боис, мамлакатларимиз ўз ҳудудида истиқомат қилаётган қардош миллат вакилларининг она тили, маданияти, анъана ва урф-одатларини ривожлантириш учун қўлай шарт-шароитлар яратишда давом этади, мутоза адабиёт намояндалари ва замонавий муаллифлар асарларини ўзаро таржима қилишни қўллаб-қувватлайди, бир давлатнинг қўшни мамлакат ҳудудида бўлиб турган фуқароларининг қўнуний ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш чораларини кўради.

Тўлиқ ишонч билан айтиш мумкинки, Туркманистон раҳбарининг 14 июль кунини Ўзбекистонга бошланаётган давлат ташрифи ва унинг самарали натижалари ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантиришга кучли туртки беради, олий даражадаги Ўзбекистон — Туркманистон учрашуви чоғида имзоланган ҳужжатлар эса мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги кўп қиррали, анъанавий дўстлик ва яхши қўшничилик муносабатларини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН РУҲИ

ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ ИЖОДКОРЛИГИ: ЎЗБЕКИСТОН ТАШАББУСИ ЭЪТИРОФИ

2022 йил 11 июль куни БМТ Бош Ассамблеяси 76-сессиясида "Марказий ва Жанубий Осиёда ўзаро боғлиқликни мустаҳкамлаш" номи...



Шундай қилиб, БМТ Бош Ассамблеясининг ўзбекистон Президенти ташаббуси билан қабул қилинган резолюцияларидан тўрттаси — Марказий Осиё минтақасига бевосита тааллуқли бўлса...

— БМТ Бош Ассамблеяси томонидан мазкур резолюция қабул қилинишига туртки берган Тошкент конференцияси бўлиб ўтганига роппа-росса бир йил тўлди.

— "Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий ўзаро боғлиқлик. Таҳдидлар ва имкониятлар" мавзусидаги халқаро конференция мамлакатимиз пойтахтида 2021 йил 15-16 июль кунлари бўлиб ўтган.

Халқаро конференцияда, шунингдек, БМТ, МДҲ, ШҲТ, Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгаши, Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгаш каби 30 га яқин халқаро ва минтақавий халқаро ташкилот делегациялари, жаҳоннинг етакчи молия институтлари, нуфузли хорижий илмий-тадқиқот ва таҳлил марказлари раҳбарлари қатнашган.

Иштирокчилар сони қарийб 600 га етган. Давлатимиз раҳбарининг Тошкент анжумани юксак мартабали меҳмонлари билан юзма-юз мулоқоти учун 14 та расмий қабул маросими ташкил этилган.

— Халқаро конференциянинг асосий хусусиятлари нималардан иборат, деб ҳисоблайсиз? — Аввало, пандемия даврига қарамадан, мазкур конференция ўз вақтида ўтказилди. Натижанда жаҳон ахлини ўйлантираётган қизгин муаммолар чуқур муҳомада қилинди, ўзаро атрафлича фикр алмашилди.

Анжуман мавзуси юзасидан уч даражада: миллий, минтақавий ва глобал миқёсларда фикрлар билдирилди. Жон Хопкинс университети қошидаги Марказий Осиё ва Кавказ институти асосчиси

хусусан, Марказий Осиё билан Жанубий Осиё мулоқотининг умумий ёндашувлари, асосий принциплари ва йўналишларини мустаҳкамлаш мавзуси билан чамбарчас боғлиқ. Мазкур халқаро конференция: биринчидан, халқаро майдонда яна Тошкент руҳини тиклагани;

иккинчидан, Янги Ўзбекистон дадил интилаётган Учинчи Ренессанснинг ташки сийсат босқичи — Миллий Уйғонишнинг халқаро йўналишдаги устувор вазифаларини белгилаб бергани;

учинчидан, Марказий ва Жанубий Осиё минтақаларида тинчлик, яхши кўшничлик ва ишончли мустаҳкамлашга беқиёс ҳисса қўшгани;

тўртинчидан, ушбу улкан маконда ўзаро манфаатдор ҳамкорликнинг ривожланиши, очилган амалий сийсат йўлга қўйилишидан ҳар икки минтақа мамлакатлари манфаатдор эканини амалда намоён этгани;

бешинчидан, халқаро ҳамжамиятнинг тинчлик, фаровонлик ва барқарор ривожланиши таъминлаш борасидаги саъй-ҳаракатларини ялпи қўллаб-қувватлагани билан тарих зарварларига мангу муҳрдан.

— Тошкент конференциясида Президентимиз сўзлаган нутқнинг тарихий аҳамияти нималарда кўринади?

— Президентимизнинг халқаро конференциядаги нутқи нуфузли анжуман аҳлида, мамлакатимиз ва бутун дунё жамоатчилигида катта қизиқиш уйғотди. Бу эътибор ва эътирофларнинг муайян сабаблари бор.

Биринчи сабаби: матни ўзбек, инглиз ва рус тилларида кенг тарқатилган ушбу нутқда нима учун бундай анжуман ташкил этилгани аниқ кўрсатилди. Энг асосийси, Марказий ва Жанубий Осиёнинг тарихий ва цивилизациявий муштараклиги, халқларимиз ва мамлакатларимизнинг умумий манфаатлари биргаликда фаровон келажакни бунёд этишимиз учун мустаҳкам замин яратиши ҳар томонлама асослаб берилди. Бошқача айтганда, Ўзбекистон Президентининг нутқи аниқ йўналишдаги Ҳаракат дастуридир.

Иккинчи сабаби: Марказий ва Жанубий Осиё ўзаро боғлиқлигининг тарихий-назарий омиллари чуқур таҳлил қилинди. Ўзбекистон Президенти



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ НАВБАТДАГИ ТАШАББУСИ АСОСИДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН БМТ БОШ АССАМБЛЕЯСИНИНГ МАХСУС РЕЗОЛЮЦИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ВА ТАСДИҚЛАШ ҲОЯСИ 2021 ЙИЛ ИЮЛЬ ОЙИДА ЎТКАЗИЛГАН "МАРКАЗИЙ ВА ЖАНУБИЙ ОСИЁ: МИНТАҚАВИЙ ЎЗАРО БОҒЛИҚЛИК. ТАҲДИДЛАР ВА ИМКОНИЯТЛАР" МАВЗУСИДАГИ ТОШКЕНТ КОНФЕРЕНЦИЯСИДА ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИ ТОМОНИДАН ИЛГАРИ СУРИЛГАН ЭДИ.

Шу ўринда яна бир бор таъкидлаш керак: Ўзбекистон Президенти ўз нутқида Тошкент конференцияси якунлари бўйича Марказий ва Жанубий Осиё ўртасида, умуман, Евроосиё маконида доимий ва барқарор ривожланишнинг муҳим омилли сифатида ўзаро алоқаларни мустаҳкамлаш тўғрисида БМТ Бош Ассамблеясининг махсус резолюцияси лойиҳасини ишлаб чиқиш ташаббусини илгари сурди.

Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон Президенти ушбу нутқда БМТ Бош Ассамблеясининг тегишли резолюцияси зарурлигини тўла асослаб берди.

— Мазкур резолюция миллий, хорижий ва халқаро экспертлар томонидан Янги Ўзбекистонда амалга оширилган янгича ташки сийсатнинг ютуғи ва мантқий давоми сифатида эътироф этилмоқда. Бу тўғри ва ҳар томонлама асосли фикр, деб ҳисоблайман.

Чунки агар "Резолюция талабларининг ҳаётга татбиқ этилиши шу икки минтақа ҳудудида яшайдиган оддий одамларга нима беради?" деган оддий, ammo жўяли мантқидан келиб чиқадиган бўлса, аввало, буюк ипак йўли каби азалий халқаро савдо йўллари тикланиши бозорларимиздаги туқинлиқни таъминлайди. Бу эса маҳсулотларнинг тури тўдан ортиши, турфа товарлар сифати янада яхшиланиши ва нарх-наво арзонлашишига олиб келади.

Шунингдек, маданиятлараро ранг-баранглик кучаяди. Бу, ўз навбатида, ҳар хил маданият, тил ва динга мансуб неча миллионлаб инсонлар ўртасида ўзаро ишонч ва самимий мулоқот, бағрикенглик ва бирдамлик қадимлар қўйилган ана шу кенг маконда эмин-эркин ҳаракатланишига кенг йўл очилади.

Қолаверса, олис тарихда — Биринчи Шарқ Уйғониши ва Иккинчи Темирилар Ренессанси даврларида бўлганидек, тижорат ва савдо-сотик, саёҳат ва зиёрат, билим олиш ва илм ўрганиш мақсадини кўнглига тўққан ҳар бир инсоннинг ана шу кенг маконда эмин-эркин ҳаракатланишига кенг йўл очилади.

Шу билан бирга, Марказий ва Жанубий Осиёнинг улкан маконида ягона инновацион муҳит яратиш йўлида амалий қадамлар қўйилади. Бунда, айниқса, транспорт-коммуникация инфратузилмалари билан боғлиқ кўп томонлама лойиҳалар татбиқ этилиши жуда муҳимлигига эътибор қаратиш лозим.

БМТ Бош Ассамблеясининг "Марказий ва Жанубий Осиёда ўзаро боғлиқликни мустаҳкамлаш" номи резолюцияси, татбиқ жойи бўлса, Ўзбекистон Президентининг минтақаларо узвий боғлиқлик концепциясини амалга ошириш йўлида қўйилган оламшумул қадамдир.

Бу залворли қадам, албатта, халқаро ҳамжамият Президенти Шавкат Мирзиёев илгари сурган улкан бирдамлик ғоясига узқоқни кўра билиш ва тўғри прогноз қилиш қобилиятининг ҳосиласи сифатида юксак баҳо берганини англатади.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг бевосита ташаббуси асосида қабул қилинган БМТ Бош Ассамблеясининг ушбу янги резолюцияси нафақат Марказий ва Жанубий Осиё минтақалари, балки бутун Евроосиё маконида доимий ва барқарор ривожланишга эришиш, икки минтақа ўртасида ҳамкорликни ривожлантириш борасида муносабатларга янги руҳ, янгича иқлим бахш этилди. Регионализмнинг янги руҳи яратилди.

Икки минтақа тез ривожланаётган макон ҳисобланади. Шундай экан, Ўзбекистон Президентининг ташаббуси мазкур минтақалар ўртасидаги ўзаро алоқадорликни кенгайтириш ва ривожлантириш бўйича стратегик лойиҳадир. Президентимиз минтақада стратегик мувозанатни таъминлашга интилмоқда. Бинобарин, халқаро муносабатларга янги руҳ, янгича иқлим бахш этилди. Регионализмнинг янги руҳи яратилди.

БМТ Бош Ассамблеясининг ушбу резолюцияси эса Марказий ва Жанубий Осиё минтақалари мамлакатлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик бўйича янги халқаро-ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади. Зеро, минтақалараро боғлиқлик доирасидаги ўзаро ҳамкорликдан барча мамлакатлар манфаатдор.

Президентимиз таъбири билан айтганда, "Марказий ва Жанубий Осиёнинг тарихий ва цивилизациявий муштараклиги, халқларимиз ва мамлакатларимизнинг умумий манфаатлари биргаликда фаровон келажакни бунёд этишимиз учун мустаҳкам замин яратади".

Ғулом МИРЗО СУҲБАТЛАШДИ.

66 ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ МИНТАҚАМИЗНИНГ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ ВА ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИГА ИНТЕГРАЦИЯЛАШУВИНИ СТРАТЕГИК ЖИҲАТДАН ТЕРАН КЎРА БИЛГАНИ ТУФАЙЛИ МАРКАЗИЙ ВА ЖАНУБИЙ ОСИЁ ЎРТАСИДАГИ ТАРИХИЙ-ЦИВИЛИЗАЦИЯВИЙ АЛОҚАЛАРНИ ТИКЛАШ ТАШАББУСИНИ ИЛГАРИ СУРДИ.

Бу ўринда БМТ Бош Ассамблеясининг 2018 йил 22 июндаги ялпи мажлисида қабул қилинган "Марказий Осиё минтақасида тинчлик, барқарорлик ва иқтисодий таъминлаш бўйича минтақавий ва халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш" резолюцияси, 2018 йил 12 декабрдаги "Маърифат ва диний бағрикенглик" резолюцияси, 2019 йил 19 декабрдаги "Марказий Осиёда барқарор туризм ва барқарор ривожланиш" махсус резолюцияси, 2018 йил 27 ноябрдаги Оролбўйи минтақаси учун Инсон ҳавфсизлиги бўйича кўпшериклик Траст жамғармасига асос солишга оид қарор ҳамда 2021 йил 18 майдаги "Оролбўйи минтақасини экологик инновация ва технологиялар ҳудуди деб эълон қилиш тўғрисида"ги резолюцияси ҳақида сўз бормоқда.

Ўзбекистон Президентининг навбатдаги ташаббуси асосида қабул қилинган БМТ Бош Ассамблеясининг махсус резолюциясини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш ғояси 2021 йил июль ойида ўтказилган "Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий ўзаро боғлиқлик. Таҳдидлар ва имкониятлар" мавзусидаги Тошкент конференциясида давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган эди.

БМТ Бош Ассамблеясининг ушбу резолюциясида икки минтақа — Марказий Осиё билан Жанубий Осиё мулоқотининг умумий ёндашувлари, асосий принциплари ва йўналишлари мустаҳкамланган. Ҳужжатда, шунингдек, Президентимизнинг 2022 йилни Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти доирасида "Ўзаро боғлиқликни мустаҳкамлаш йили" деб эълон қилиш тақдирини юқори баҳолаган.

ва раиси Фредерик Старр таъкидлаганидек, "биз янги бирон нарса бошлаётганимиз йўқ, бу қадимий ва ҳақиқий минтақанинг қайта кашф қилиниши, Жанубга йўлни қайта қуришидир".

Халқаро анжуманда юқори мартабали меҳмонлар иштирок этди. Бу омил, бир томондан, Президент Шавкат Мирзиёевнинг халқаро обрў-эътибори юксаклигидан далолат бўлса, иккинчи томондан, жаҳон ҳамжамияти Ўзбекистонга катта ишонч билан қарайи ва давлатимиз раҳбари ташаббусларини кенг қўллаб-қувватлашининг амалий мисолидир.

Янги Ўзбекистон ва унинг Президентининг ташаббускор, тинчликсевар, инсоний ташки сийсати дунё афқор оммаси диққат марказида тургани яна бир бор ёрқин намоён бўлди. Конференция Янги Ўзбекистон ташки сийсатининг яна бир улкан ютуғи сифатида тан олинди.

Тошкент халқаро конференцияси умумжаҳон миқёсидаги муаммоларни дадил кўтариб чиқишга ҳаммаши энг етуқ давлат раҳбарлари қодирлигини янада яққол кўрсатди. Халқаро анжуманда Президент Шавкат Мирзиёев шундай салоҳиятга эга давлат раҳбарларидан бири сифатида эътироф этилди.

Энг муҳими, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ушбу конференциядаги нутқида кўтарилган барча ташаббуслар тўла қўллаб-қувватланди ва бу бежиз эмас. Чунки аниқ ташаббуслар ҳозирги замон жаҳон сийсати кун тартибиде турган ва Тошкент халқаро анжуманида атрафлича муҳомада қилинган долзарб масалалар,

фикрича, "Бугунги кунда дунё турли таҳдидлар, шу билан бирга, янги имкониятларни ўзида муҳассам этган глобал геосийсатий ўзгаришлар даврига қадам қўйди. Шундай мураккаб шароитда қарийб икки миллиард аҳоли яшайдиган Марказий ва Жанубий Осиё ўртасидаги ўзаро алоқаларни қайта тиклаш муҳим ҳаётий зарурат ва табиий жараёнга айланмоқда".

Президентимиз минтақавий ўзаро боғлиқликнинг тарихий, илмий, адабий, диний, цивилизациявий мезонлари бўйича ўзига хос концепциясини илгари сурди. Концепция Марказий ва Жанубий Осиё ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг янги геосийсатий, геоиқтисодий ва геосийсатий ёндашуви — квинтэссенциясини ўзида муҳассам этди.

Учинчи сабаби: нутқда Марказий ва Жанубий Осиё маконида тарихий ягона савдо-иқтисодий, илмий-маърифий, маданий-маънавий, диний-цивилизациявий боғлиқликни янги тарихий шароитда тиклаш ғояси ана шу йўналиш бўйича чуқур асослаб берилди. Яъни:

✓ геосийсатий йўналиш — асосан, Афғонистон муаммоси билан боғлиқ;

✓ геоиқтисодий йўналиш — транспорт ва савдо-сотик, инновация ва инвестициялар маконини яратиш;

✓ геосийсатий йўналиш — маданият, маънавият, сайёҳлик, илмий изланишлар учун ягона макон яратиши кўзда тутилди.

Тўртинчи сабаби: методология нуктаи назаридан, Президент нутқи: тарихийлик, илмийлик, тизимлик (синергетик ёндашув), прагматик ёндашув ва амалий натижаларга эришишга йўналтирилгани билан алоҳида эътиборга моликдир.

Бешинчи сабаби: нутқнинг кўрғазмалилик жиҳати ҳам диққатни тортади. Янги давлатимиз раҳбари ўз фикрларини харита, турли чизмалар ва расмлар орқали кенг оммага шоён етказиб беришга муваффақ бўлди.

Олтинчи сабаби: Президентимиз нутқида 10 та йўналишда: сийсатий, иқтисодий, маданий, илмий, туристик соҳалар бўйича тақдирлар билдирилди.





www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news

ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТДА ВА НАЗОРАТДА

САМАРАЛИ ИЖРО ВА МОНИТОРИНГ — КЎЗЛАНГАН МАҚСАДЛАРГА ЭРИШИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Мамлакатимизда барча соҳалар қатори гидрометеорология хизматини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Иқтисодиёт тармоқлари ва аҳолини гидрометеорологик маълумотлар билан таъминлаш ҳамда глобал иқлим ўзгаришига қарши курашиш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.



Шерзод ҲАБИБУЛЛАЕВ,
Гидрометеорология хизмати
маркази бош директори

Иқтисодиётнинг сув, қишлоқ ҳўжалиги, энергетика, шаҳарсозлик, саннат, транспорт, туризм, муҳофаа соҳалари гидрометеорологик, антропоген, об-ҳаво ва иқлимий маълумотларга катта эҳтиёж сезади. Зеро, гидрометеорология хизмати бу соҳалар ривожини, айниқса, хавфсизлигини таъминлашга қаратилган муҳим соҳалардан бири ҳисобланади.

Иқтисодиётнинг юқори суръатларда ўсиши, ижтимоий муносабатларнинг кенгайиши ва чуқурлашиб бориши, халқаро муносабатларда янги йўналишларнинг ривожланиши каби жараёнларнинг фаоллашуви ишчи самарали ташкил этиш ва ҳар бир ходимнинг шахсий масъулияти билан бирга профессионал билимларга эга бўлишни талаб этади.

Айниқса, юртимиздаги ислохотларнинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлаш мақсадида ҳар бир соҳа, жумладан, гидрометеорология йўналишида ҳам қатор қонунчилик ҳужжатлари қабул қилинганлиги, уларнинг сифатли бажарилиши раҳбар ва ходимлардан "темир интизом"га риоя этиш заруратини пайдо қилади.

Гидрометеорология ва иқлим ўзгариши масалалари бўйича кўзланган мақсадларга эса қабул қилинаётган қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этиш ва мониторинг қилишнинг таъсирчан тизимини яратиш орқали эришилади. Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этиш ва мониторинг қилишнинг таъсирчан тизимини яратишда Президентимизнинг 2021 йил 10 февралдаги "Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони ҳамда 2021 йил 31 майдаги "Ijro.gov.uz" ижро интизими идоралараро ягона электрон тизими самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори муҳим аҳамият касб этапти.

Сўнги йилларда иқтисодиёт тармоқлари ва аҳолини гидрометеорологик ва иқлимий маълумотлар билан таъминлаш ва мониторинг юртимизнинг тизимли таъминлаштириш, шунингдек, гидрометеорологик ахборотни олиш, тўплаш ва тарқатишда замонавий ахборот ҳамда сунъий йўлдош технологияларидан кенг фойдаланишга қаратилган ислохотлар кечмоқда.

Жумладан, 2020-2022 йиллар мобайнида қатор қонун ҳужжатлари, хусусан, "Гидрометеорология фаолияти тўғрисида"ги қонун, Президентимизнинг 2020 йил 17 ноябрдаги "Ўзбекистон Республикаси гидрометеорология хизмати фаолиятини янада таъминлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори, Вазирлар Маҳкамасининг бир қатор қарор ва фармойишлари қабул қилинди.

Мазкур ҳужжатларда белгиланган устувор вазифалар асосида Гидрометеорология хизмати марказида қонунчилик ҳужжатларини пухта ишлаб чиқиш ва уларнинг самарали ижросини таъминлаш бўйича таъсирчан амалиётни шакллантириш, топшириқларни аниқ ижрочилар, кенг жамоатчилик ва аҳолига етказиш, шунингдек, белгиланган вазифаларни самарали амалга ошириш бўйича тежор чоралар кўриш мақсадида ташкил, ижро ва назорат фаолиятининг ягона тизими йўлга қўйилди.

Ушбу тизим орқали қонунчилик ҳужжатлари ижросини ташкил этишда куйидагиларга алоҳида эътибор қаратилмоқда:

Биринчидан, ижро интизими бўйича ўрта ва куйи бўғинда масъулиятни ошириш, белгиланган

функционал вазифаларни виждонан бажариш, қабул қилинаётган ҳар бир қонунчилик ҳужжатининг мазмун-моҳияти, қўйлаётган амалий натижаларни жойлардаги масъулларга етказиш, топшириқлар ижросини барвақт таъминлаш;

Иккинчидан, ижро интизими ахборот технологияларини кенг жорий этиш орқали норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва топшириқлар ижроси бўйича "Ijro.gov.uz" тизимининг "деворихона" — раҳбар — назорат бўлими — ижрочи" технологик занжири асосида иш юритиш;

Учинчидан, ижро интизими қатъий амал қилиш ва белгиланган мақсадли кўрсаткичларга эришиш мақсадида марказий аппарат ва тизим ташкилотларида фаолият кўрсатаётган ҳар бир раҳбар ва масъул ходимнинг самарадорлик кўрсаткичлари — KPI, шахсий иш режалари ва уларнинг бажарилишини ҳар ой ва чорак якунлари билан Ўзгидрометнинг хайъат йиғилишларида муҳокама этиб бориш;

Тўртинчидан, ижро интизими мустаҳкамлаш, соҳада белгиланган мақсадли кўрсаткичларга эришиш мақсадида марказий аппарат ва тизим ташкилотларида фаолият кўрсатаётган ҳар бир раҳбар ва масъул ходимнинг самарадорлик кўрсаткичлари — KPI, шахсий иш режалари ва уларнинг бажарилишини ҳар ой ва чорак якунлари билан Ўзгидрометнинг хайъат йиғилишларида муҳокама этиб бориш;

Бешинчидан, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхоналари билан ҳамкорлик қилиш, мурожаатлар билан ишлаш тартиби ҳақидаги маълумотларни Ўзгидромет расмий веб-сайтига жойлаштириш ҳамда ҳудудий қабулхоналарга етказиш.

Гидрометеорология хизмати марказида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижроси бўйича масъул ижрочилар томонидан буйруқ лойиҳаси ва махсус назорат режасини ҳам қабул қилиш амалиёти жорий этилмоқда. Бунда ижро интизими ва мурожаатлар бўлими томонидан қабул қилинган буйруқдаги ҳар бир топшириқ ижроси назоратга олинди, масъул бошқарма ва бўлимлар томонидан ўз вақтида сифатли ҳамда самарали бажарилиши назорат қилиб борилади.

Марказимизда яратилган тизим орқали топшириқларнинг "соатбай" мониторинги юритилмоқда, ижросида муаммо ва тушунмовчиликлар келиб чиқмаслигининг олди олинмоқда, аниқ муддатлар ва масъуллар белгиланган ҳолда ҳужжатнинг ижро этиш ҳолати бўйича амалга оширилаётган барча ишларнинг шафқофлиги, топшириқларнинг ўз вақтида ижро этилиши таъминланмоқда.

Соҳани ривожлантиришга қаратилган қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этиш натижасида қатор амалий ютуқларга эришилди.

Жумладан, метеорология станциялар сонини 70 тадан 77 тага, қор кўчи станциялари эса 3 тадан



66

ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЯ ХИЗМАТИ МАРКАЗИДА НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР ИЖРОСИ БЎЙИЧА МАСЪУЛ ИЖРОЧИЛАР ТОМОНИДАН БУЙРУҚ ЛОЙИҲАСИ ВА МАХСУС НАЗОРАТ РЕЖАСИНИ ҲАМ ҚАБУЛ ҚИЛИШ АМАЛИЁТИ ЖОРИЙ ЭТИЛМОҚДА. БУНДА ИЖРО ИНТИЗОМИ ВА МУРОЖААТЛАР БЎЛИМИ ТОМОНИДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН БУЙРУҚДАГИ ҲАР БИР ТОПШИРИҚ ИЖРОСИ НАЗОРАТГА ОЛИНАДИ, МАСЪУЛ БОШҚАРМА ВА БЎЛИМЛАР ТОМОНИДАН ЎЗ ВАҚТИДА СИФАТЛИ ҲАМДА САМАРАЛИ БАЖАРИЛИШИ НАЗОРАТ ҚИЛИБ БОРИЛАДИ.

5 тага орти, автоматлаштирилган метеорологик станциялар улуши 14 фоиздан 80 фоизга етказилди. Пировардида, турли барвақтликдаги об-ҳаво прогнозлари ишончлилиги суткалик 92 фоизга, 2-3 суткалик 90 фоизга, 4-5 суткалик 88 фоизга, штом оғохлантиришлар оқлини даражаси 90 фоизгача ошди.

2020-2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси гидрометеорология хизматини ривожлантириш концепцияси доирасида, биринчидан, соҳада рақамли технологияларни изчил жорий этиш асосида автоматик метеостанциялардан маълумотлар марказга 10 дақиқада GSM/йўлдош орқали узатиб борилиши таъминланди. Авваллари эса ҳар 3 соатда рақия орқали узатилади.

Иккинчидан, аҳоли яшаш пунктларида ҳаво сифатини мониторинг қилиш ҳамда гидрометеорологик маълумотларни визуаллаштириш бўйича янги "monitoring.meteo.uz" ва "data.meteo.uz" геопорталлари ишга туширилди.

Учинчидан, MODIS усунаси модернизация қилиниб, кунига 4 марта республиканинг тоғ ва тоғлиқ ҳудудларида қор қоплами қалинлигини ўлчаш орқали сув миқдори ҳисобини юритиш ва қишлоқ ҳўжалиги экинларининг вегетация индекси зичлигини аниқлашга эришилди.

2021 йилда Яшил иқлим жамғармаси билан имзоланган битим доирасида хавфли гидрометеорологик ҳодисаларни оғохлантириш тизимини тақомиллаштириш учун 10 миллион АҚШ доллари қийматида грант жалб қилинди.

Иқтисодиёт тармоқларига глобал иқлим ўзгаришининг салбий таъсирини камайтириш ва оқибатларини юмшатишга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари доирасида умумий қиймати 5 миллиард сўмлик 9 та лойиҳа амалга оширилмоқда.

Соҳага малакали мутахассисларни жалб этиш ва ходимларнинг малакасини ошириш мақсадида зарур чоралар кўрилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Миллий университетини гидрометеорология факультети ташкил этилди. 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб Россия давлат гидрометеорология университети билан ҳамкорликдаги қўшма таълим дастури доирасида "Метеорология ва иқлим-шунослик" йўналиши бўйича 42 талаба, "Экология ва табиатдан фойдаланиш" йўналиши бўйича эса 23 талаба тахсил олмақда.

Тошкент гидрометеорология техникуми Жаҳон метеорология ташкилоти томонидан гидрометеорология йўналишида Минтақавий малака ошириш ўқув маркази сифатида эътибор этилди ва унда соҳа ходимларининг малакасини ошириш йўлга қўйилди.

Гидрометеорология ва иқлим ўзгариши соҳасида қабул қилинган қонунчилик ҳужжатлари ижросини сифатли ва тизимли таъминлаш орқали мамлакатимизда қишлоқ ва сув ҳўжалиги, энергетика, шаҳарсозлик, саннат, транспорт ва туризм каби иқтисодий боғлиқ иқтисодиёт тармоқларининг барқарор ривожланиши ва фаолият кўрсатишига кўмаклашувчи гидрометеорологик хизматлар сифатини янада яхшилаш ва маълумотларнинг ўз вақтида тақдим этиб борилишига эришилади.

ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ

УЙ-ЖОЙЛИ БЎЛИШ САОДАТИ

Конституциявий қонун лойиҳасидаги ҳаётий тақлифлар кенг жамоатчилик томонидан фаол қўллаб-қувватланмоқда

Бугун халқимизга катта куч ва кўтаринки руҳ бераётган буюк мақсад — Янги Ўзбекистоннинг ҳуқуқий пойдеворини яратишдек тарихий кунларда яшашимиз. Ҳар бир юрtdошимиз шундай қизгин, масъулиятли жараёнда фаол ва муносиб қатнашишни ўзининг Ватани олдидаги муқаддас бурчи, деб билмоқда.



Улуғбек ИНОЯТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси Спикери ўринбосари

Конституциявий қонун лойиҳасида мамлакатимиз аҳолисининг турли қатламларидан келиб тушган тақлифлар ўз ифодасини топмоқда. Бу, албатта, қонунларнинг асосий ижодкори халқимиз бўлиши керак, деган эзгу мақсадга эришишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Президентимизнинг Конституцияда "ижтимоий давлат" тушунчасини мустаҳкамлаб қўйиш ҳақидаги тақлифи учрашув ва мулоқот тадбирларида кенг жамоатчилик томонидан фаол қўллаб-қувватланаётганининг гувоҳи бўляпмиз. Бу тақлиф, аввало, халқимиз хоҳиш-иродасини ифода қилиш ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз.

Учрашувларда ижтимоий давлат халққа хизмат қиладиган давлат бўлиш ҳақида фикрлар билдирилди. Бундай давлат ўз сисвасида ижтимоий адолат таъминлашдан келиб чиқиб фаолият юритади. **Асосий мақсад — жамиятда**

яратилаётган моддий ва маънавий бойликларни ижтимоий адолат таъминлаш асосида бошқариш, ҳаммага устувор ҳуқуқлар нуқтаи назардан тенг имконият яратиш.

Бунда ҳар бир инсоннинг кундалик маиший турмуш тарзи, яъни уй-жойи, иш ҳақи, меҳнат шaroити, тиббий хизматдан фойдаланишини сифат жиҳатидан юқори даражага олиб чиқиш пировард мақсад ҳисобланади.

Чуқурроқ мушоҳада юритсак, кейинги йилларда одамларнинг кундалик ҳаётида бўлаётган ўзгаришларни таҳлил қилсак, халқларвар сиёсат айнан ижтимоий давлат пойдеворини яратиш, унинг ривожланиш кафолатини мустаҳкамлашга қаратилгани яққол кўринади.

Президентимиз аҳолининг эҳтиёжман қатламни қўллаб-қувватлаш масалалари бўйича Конституцияга жуда муҳим тақлифларни илгари сурди. Хусусан, давлат ижтимоий жиҳатдан эҳтиёжман ва кам таъминланган, уй-жой шарoитларини яхшилашга муҳтож бўлган фуқароларни қонунда белгиланган тартибда уй-жой билан таъминлаш ҳақидаги меъёр кўпчиликнинг кўнглини кўтарди. Бундай меъёр белгиланиши давлат зиммасига катта масъулият юклайди. У дунёнинг қўллаб-қувватланган давлатлари Конституциясида ҳам йўқ.

Уй-жойли бўлиш халқимизда "кичик ватанли" бўлишга қиёсланади. Шу маънода, ўз ватанига эга бўлиш ҳар бир юрtdошимиз учун энг азиз орзу, энг муҳим мақсадлардан бири ҳисобланади.

Тан олиш керак, бу масалада 20-25 йил давомида шаҳар жойларда ҳам, қишлоқларда ҳам муаммолар тўпчилиб қолган эди. Бир уйда 2-3 талаб оила сўрилиб яшаётган ҳолатлар оз эмасди. Оқибатда бундай оилаларда бошқа муаммолар ҳам келиб чиқарди.

Президентимизнинг 2016 йил 21 октябрдаги "2017-2021 йилларда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастури тўғрисида"ги қарори билан уй-жой қурилишини янада ривожлантиришнинг асосий йўналишлари белгилаб берилди. Хусусан: — яшаш учун ижтимоий-маиший шарт-шaroитларни яхшилаш, қишлоқ аҳолисининг замонавий,

сифатли, шинам, арзон уй-жойга бўлган эҳтиёжларини қондириш;

— қишлоқ жойларда уй-жойлар қуриш учун ажратилган турар жой массивларида муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини ва транспорт тармоқларини биргаликда ривожлантириш;

— конструктив ва архитектура-режалаштириш ечимларини оптималлаштириш ҳисобига лойиҳа-қидирув ва қурилиш-монтаж ишлари, шунингдек, барпо этилаётган уйлар танларини пайсатириш;

— энергияни тежайдиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг янги турларидан фойдаланишни кенгайтириш;

— уй-жой қурилиши учун ажратиладиган ер ресурсларидан оқилона фойдаланишни таъминлаш;

— қишлоқ жойларда яқка тартибда уй-жой қурилиши учун имтиёзли кредитлар беришнинг фуқаролар учун янада қулай шартларини жорий этиш.

Арзон уй-жойлар масаласи нафақат қишлоқларда, шаҳарларимизда ҳам жуда долзарб эди. Шунинг учун қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастури тўғрисидаги қарордан кейин бир ой ўтиб-ўтмай Президентнинг "2017-2020 йилларда шаҳарларда арзон кўп квартираларни қуриш ва реконструкция қилиш дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Ушбу ҳужжатлар асосида қишлоқларда ҳам, шаҳарларда ҳам уйлар қурилиши жадал тус олди.

Давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 9 декабрдаги "Янги Ўзбекистон" массивларини қуриш ва ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони аҳолини уй-жой билан таъминлаш, турмуш шaroитини яхшилаш борасидаги ислохотларга янгича мазмун олиб кирди. Халқнинг уй-жой шaroитини яхшилаш, ҳудудларда замонавий шаҳарсозлик талаблари асосида кўп қаватли уй-жойлар, ижтимоий соҳа ва инфратузилма объектлари ҳамда муҳандислик-коммуникация тармоқлари қурилишини жадаллаштириш, ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва аҳоли пунктларининг урбанизация жараёнини ривожлантириш мақсади белгилаб берилди.

Фармон билан 2022 йилда қуриладиган "Янги Ўзбекистон" массивларининг манзилли рўйхати тасдиқланди. Мазкур массивларда кўп қаватли уй-жойлар, муҳандислик-транспорт коммуника-



66

ЧУҚУРРОҚ МУШОҲАДА ЮРИТСАК, КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА ОДАМЛАРНИНГ КУНДАЛИК ҲАЁТИДА БЎЛАЁТГАН ЎЗГАРИШЛАРНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛСАК, ХАЛҚЛАРВАР СИЁСАТ АЙНАН ИЖТимоий ДАВЛАТ ПОЙДЕВОРИНИ ЯРАТИШ, УНИНГ РИВОЖЛАНИШ КАФОЛАТИНИ МУСТАҲКАМЛАШГА ҚАРАТИЛГАНИ ЯҚҚОЛ КўРИНАДИ.

цияси, ижтимоий соҳа, ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш объектлари комплекс тарзда қурилиши амалга оширилмоқда.

Фармонга кўра, кўп қаватли уй-жойларнинг қурилиш ости ер участкалари тадбиркорлик субъектларига электрон онлайн аукцион орқали ижара ҳуқуқи асосида реализация қилинди. Кўп қаватли уй-жойларга туташ ер участкалари уй-жой қуриб битказилганидан кейин маҳаллий ижроия ҳокимлик органининг тегишли қарори билан кўп қаватли уй-жой муқдорларига доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида ажратиб берилмоқда.

Массивларда ташкил этиладиган ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш объектларини қуриш учун ер участкалари тадбиркорлик субъектларига белгиланган тартибда электрон онлайн аукцион орқали мулк ва ижара ҳуқуқлари асосида реализация қилинмоқда. Шу ва бошқа ўзига хос жиҳатлар "Янги Ўзбекистон" массивларини кўркам, яшаш, хизматлардан фойдаланиш учун қулай, айна пайта, замонавий турмуш маданиятини ривожлантирадиган обод масканларга айлантиришига шубҳа йўқ.

Президентимизнинг 2021 йил 9 декабрдаги "Бозор тамойилларига асосланган ипотека кредитлари орқали аҳолини уй-жой билан таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони билан даромади юқори бўлмаган ва уй-жой шaroитини яхшилашга муҳтож фуқароларга давлат бюджетидан субсидиялар тўлаш имконияти кенгайтирилди.

Дастлабки бадал билан боғлиқ муаммолар самарали ҳал этилди, фоиз тўловларининг бир қисмини қоплаш амалиёти мустаҳкамланди. Фуқароларга ипотека кредити олишда биргаликда қарз олувчи сифатида улар билан бирга яшамаётган ва яқин қариндоши бўлмаган бошқа шахсларни ҳам жалб қилиш ҳуқуқи берилди.

Яна бир муҳим қарор билан етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни уй-жой билан таъминлашнинг янги тартиби ўрнатилди. Бундай болаларга 1 ва 2 хонали квартира давлат ҳисобидан сотиб олиб бериладиган бўлди.

Демак, юқорида қайд этилган қарорлар билан Конституцияга уй-жой таъминоти бўйича тақлиф этилган меъёрнинг амалга ошиши бўйича тизим яратилаётгани гувоҳи бўляпмиз.

Мамлакатимизда ўтган беш йилда қарийб 500 мингта янги уй-жой қурилиб, фойдаланишга топширилди. Келгуси 5 йилда турли ҳудудларда шарoити оғир оилалар турмушини яхшилаш учун 19 миллион квадрат метрдан ортиқ замонавий уй-жой барпо этилиши белгиланган. Яна 275 мингдан зиёд оила қулай шарoитли уй-жойга эга бўлади.

Бу оддий рақамлардек туюлиши мумкин. Лекин унинг ортида қанчадан-қанча оилаларни йиллар давомида уйлантириб, қийнаб келган муаммоларнинг тизимли ҳал бўлиши масаласи, болаларнинг, нурунийларнинг қувонч кўз ёшлари турибди.

Қиёнда шундай оилалардан бирининг қувончига бевосита гувоҳ бўлдик. Наманган вилояти Янгиқўрган туманида ижтимоий ҳимояга муҳтож ёлғиз она Гулчехра Жўраева яратилган имкониятлардан фойдаланиб, "Кўрик" МФЙ Чортоқ кўчасида 3 хонали квартира олди. Нафақат аёл, у билан бирга, 3 фарзанди ҳам уйли бўлди, келажакли бўлди. Бундай оналар, бундай оилалар, бундай болаларнинг умиди, бахти ва бахтиёрлигини ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайд.

Демак, давлат уй-жой шарoитларини яхшилашга муҳтож бўлган фуқароларни қонунда белгиланган тартибда уй-жой билан таъминлаш ҳақидаги меъёр Ўзбекистон ижтимоий давлатга айланишига хизмат қилувчи жуда муҳим, ҳаётий меъёрлардан бири бўлмоқда.

НУҚТАИ НАЗАР



ЯНГИ АВЛОД УНИВЕРСИТЕТИ

Соҳани билимли, рақобатбардош, ёш маҳаллий битирувчилар эгаллайди

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида шу йил 6 июль куни архитектура, қурилиш ва шаҳарсозлик соҳасидаги устувор вазифалар муҳокамага бағишлаб ўтказилган видеоселекторда ушбу йўналишда ҳозир юзага келган камчиликларни тузатиш ва келгусида бажариш зарур бўлган чора-тадбирлар тўғрисида муҳим топшириқлар берилди.



Чидем Жанбай ТУРКЙИЛМАЗ, Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти ректори

тан олинди, шунингдек, мамлакатлар ўртасида бирдек муомалага киритилади. Ўзбекистонда бу курсаткичи юқори деб бўлмади, олий таълим муассасалари томонидан берилган дипломларнинг жаҳон миқёсида тан олингани ва уларнинг муқобиллигини таъминлашда ҳамон айрим қийинчиликлар мавжуд. Олий ўқув юртимиз томонидан берилган дипломнинг дунё миқёсида тан олингани таъминлаш учун ҳозирдан ишга киришишимиз ва тезроқ Болонья тизимига ўтишимиз керак. Аксарият Европа мамлакатлари шу тизим бўйича ишлайди. Олий таълим муассасамизнинг ТОП-1000 таликка кира олмаётганининг сабаби ҳам шунда деб ўйлайман. Бизда халқаро интеграция йўқ, ўқув дастурлари, режалари жаҳон стандартларига мос эмас эди. Ҳозир олий ўқув даргоҳимиз маъмурияти, тажрибали профессор-ўқитувчилар жамоаси билан ҳамкорликда архитектура ва қурилиш соҳасида янги авлодни тарбиялаш, янги таълим йўналишлари очиб ва ўқув режаларини тайёрлаш лойиҳаси устида ишламоқда.

Энди олий таълим муассасамизда мутлақо янги тузилма шакллантирилди ва шу асосда замонавий бошқарув тизими ҳам жорий этилди. Таълимда хорижий тажрибани қўллаш мақсадида халқаро ҳамкорликни ҳам мустаҳкамлаётимиз. Яқунланган ўқув йилида Туркиянинг қатор университетлари билан ҳамкорлик шартномаларини имзоладик. Хусусан, Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти ва Истанбул Кўлтур университети ўртасида бакалаврлар босқинида қўша таълим дастурини жорий этиш бўйича келишувга эришилди. Ушбу қўша таълим дастурида таълим тили эътиборга олинган бўлиши билан бундан ташқари, Туркиянинг Мимар Синан таълим институти урбанизация, архитектура, дизайн, маданий мерос объектини тиклаш йўналишларидаги ихтисослашгани, талабалар етакчи лойиҳа институти ва қурилиш кластерларида бириктирилиши, шунингдек, ушбу олий ўқув даргоҳида 1 сентябрдан бошлаб халқаро таълим дастурлари асосида ўқитиш йўлга қўйилиши каби туб ўзгаришлар шахсан мени ва институтиимиз жамоасини мамнун қилди.

Давлат раҳбари таъбири билан айтганда, қурилиш соҳаси Янги Ўзбекистон ислохотларининг драйверига айланади. Хусусан, беш йилда 250 минг хонадонли 8 мингдан зиёд кўп қаватли уй, 21 минг сервис хизмат кўрсатиш, 10,5 минг иқтимоий соҳа объекти ва 31 минг қорхона ташкил этилди. Бу жуда катта қўрсаткич бўлиб, мамлакатда қурилиш соҳаси ривожланаётгани ва малакали кадрларга талаб тобора ошаётганидан далолат.

Биз учун энг аҳамиятлиси, йилгида архитектура ва қурилиш соҳаси учун кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасалари фаолиятига алоҳида эътибор қаратилди. Келгусида Тошкент ва Самарқанд архитектура-қурилиш институти фаолияти трансформация қилиниши, университет макони кўтариллиши, уларга академик ва молиявий мустақиллик берилиши катта воқеа бўлди. Хусусан, Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти урбанизация, архитектура, дизайн, маданий мерос объектини тиклаш йўналишларидаги ихтисослашгани, талабалар етакчи лойиҳа институти ва қурилиш кластерларида бириктирилиши, шунингдек, ушбу олий ўқув даргоҳида 1 сентябрдан бошлаб халқаро таълим дастурлари асосида ўқитиш йўлга қўйилиши каби туб ўзгаришлар шахсан мени ва институтиимиз жамоасини мамнун қилди.

Президент Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, келгусида олий даргоҳимиз фаолияти архитектура ва қурилиш соҳасида кадрларни тайёрлаш тизими илғор хорижий тажриба ҳамда халқаро стан-

ЖАРАЁН

АХБОРОТ ИСТЕЪМОЛИ МАДАНИЯТИ турли маълумотларга оқилона муносабат демакдир

Сўнги йилларда мамлакатимиз иқтисодий, сиёсий, ижтимоий тараққиётнинг янги, тарихий ва тадрижий босқичига кўтарилди. Демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини модернизациялаш даврида халқ билан мулоқот сезиларли даражада ошди.

Юсуф АБСОАТОВ, олий ва ўрта махсус таълим вазирининг ўринбосари



Инсон манфаатларини таъминлаш жараёнида очиқлик, шаффоқлик алоҳида эътибор қаратилган бу паллада ҳар бир фуқаронинг асосий маданиятини шакллантириш ва юксалтириш масаласи фоят муҳим аҳамият касб этмоқда.

XXI асрда таълим тизими олдида турган энг долзарб масалалардан бири ҳам таълим олувчининг ахборот истеъмоли маданиятини шакллантириш жараёни чуқур таҳлил ва мониторинг қилиш ҳамда шу асосда илмий асосланган ўқитиш технологияларини яратишдан иборат.

Глобаллашув жараёни тобора шиддатли тус оларкан, дунё мамлакатларининг инсон манфаатларига хизмат қиладиган том маънодаги демократик йўлни танлаб олишга интилиши муттасил кучайиб бораверади. Ушбу жараёнда фуқароларнинг, айниқса, ёшларнинг ахборот истеъмоли маданияти тез ўзгарувчан ахборий жамиятда яхши мослашиш ва самарали таъбир кўрсатишга имкон беради.

Чунки ахборот истеъмоли маданияти шахсининг илмий билиш, мустақил таълим олиш, ҳордиқ чиқариш ва бошқа кўринишдаги фаолияти жараёнида пайдо бўлади. Умуман олганда, ахборот истеъмоли маданияти маълумотдан самарали фойдаланишга доир билим ва кўникмалар йиғиндиси бўлиб, зарурий ахборотни қўлдан кўчириш ва интернет тармоғи орқали қидиришнинг турли усулларини ўзда мужассам этади. Шунинг учун глобал ахборот тизимидagi хабарларнинг филтрасиз қабул қилиш хавфи муттасил кучая боради ва бу ҳолат салбий оқибатларни юзага келтиради.

Тадқиқотларга кўра, бугун жаҳонда 3 миллиард киши ёки дунё аҳолисининг 40 фоизи ижтимоий тармоқлардан фойдаланади. Ивланишлар одамлар бир кўнда ўртача 2 соат вақтини ижтимоий тармоқларда ўтказиб ўтириш кўрсатмоқда. Мамлакатимизда ҳам кейинги йилларда ижтимоий тармоқлардан фойдаланиш даражаси кескин ошди. Улардан миллионлаб фуқароларимиз фаол фойдаланмоқда.

Албатта, ахборот хавфсизлигига нисбатан таҳдидларнинг асосий таъбир воситалари сифатида қўлланаётган турли ташвиқот акциялари, мафкуравий тазйиқлар, маданий экспансиялар, дискредитация, дезинформация, тўхмат, эътиборни асосий масалалардан қалғитиш, фактларни манфаат учун бузиб талқин қилиш каби руҳий-информацион таъсирларни ҳам эътибордан четда қолдирмаслик зарур.

Чунки бу жараёнда барча ишлар оммавий ахборот ва глобал коммуникация воситалари орқали амалга оширилади ҳамда давлатнинг ички сиёсатига ишонсизлик уйғотиш, ички ижтимоий-сиёсий вазиятни беқарорлаштириш, муҳолиф кайфиятни кўзга тутиш ҳамда вазиятни кескинлаштириш мақсад қилиб олинади.

Демократик бошқарув, фирқлар хилма-хиллиги ҳолатида бу жараёнинг олдини олиш ҳам ўта мураккаб. Энг ёмони, тарқатилаётган ахборотнинг ҳаққонийлигини текшириш ҳам ушбу ахборот тарқатилаётган реал вақт ораллигида деярли имконсиз.

Шунинг учун ташқи ахборот таъсирларига қарши курашнинг энг самарали усуллари энг муҳим ва йирик таҳдидларга нисбатан умумий ва тўри муносабатини шакллантиришдан иборат. Бунинг учун ёшларнинг, фуқароларнинг билими ва савиясини, таҳлил қилиш кўникмасини ошириш, жамият ва давлат манфаатларига мос бўлган ва бўлмаган турли ахборотларга оқилона муносабат билдири олиш маданиятини шакллантириш лозим.

Айнан шу ҳолатда салбий ахборотларнинг ёшлар ва фуқаролар онига таъсири кескин тўшади. Бундай шароитда ахборот истеъмоли маданияти ижтимоий тараққиётга хизмат қилувчи маълумотларни саралаб олишга доир билим, кўникама ва малакани талаб этади. Чунки интернет, глобал тармоқда ахборот шу қадар кўп ва хилма-хилки, бу ҳолат фойдаланувчиларнинг маълумотларини, албатта, танлаши, саралаш ва таҳлил қилишни тақозо этади.

Мутахассислар маълумотига кўра, интернет орқали тарқатилган ахборотнинг 49 фоизи

сезиларли даражада зўравонлик ва ёвузликнинг, 57 фоизи аҳолисининг бевосита ва билвосита тарғибига хизмат қилади. 25 фоиз ахборот эса ёлғон, тўқима, 31 фоиз маълумот ҳақиқатга тўла мос эмас. Бу ҳолат ёшлар ону шуурига кучли таъсир этувчи ёт, бузғунчи ғоялар, миллий менталитетимизга зид, зарарли одат ва кўникмалар, текширилмаган ахборотга ҳам бирдек тааллуқлидир. Айнан шунинг учун ҳам тарқатилаётган бу каби ахборотларни ёшларнинг тўғридан-тўғри қабул қилаётгани ва унинг оқибатлари барчани бирдек ташвишга солимоқда.

Бунинг устига бугун бу жараён ахборот ва маданиятларнинг интеграциялашуви даврида юз бермоқда. Натижада ахборот истеъмоли маданияти умуминсоний маданиятнинг бир қирраси сифатида қўрилмоқда. Унга яқин сифатида қараш тенденцияси кучаймоқда.

Айнан ана шу қараш ахборот истеъмоли маданиятининг асл моҳиятини очишга имкон беради. Мамлакатимизда ҳам бу жараён кўзатилиб, айниқса, COVID-19 пандемияси даврида жорий этилган карантин тадбирлари тўғрисида интернет орқали онлайн олиб борилган мулоқотлар ва ахборот алмашуви фониди аққол кўзга ташланди.

Таълим тизимиди ҳам профессор-ўқитувчилар томонидан давлат таълим стандартига мос барча ўқув материаллари, шу жумладан, маърузалар видео ва ёзма тақдимотлар кўринишида, амалий машғулотлар тақдимотлари, билим ва кўникмаларни мустаҳкамлаш учун вазиятчи масала, тест, графикли органайзерлар кўринишида маълумотлар базаси шакллантирилди.

Талабаларнинг дарсларда қатнашиши ва ўзлаштириши кафедра профессор-ўқитувчилари томонидан назорат қилиб борилади. Ўқув жараёнида келиб чиққан баъзи муаммоларни ўз вақтида тўғрилик, талабаларга тушунириш ишлари олий борилади. Мана шу ҳолат олий ўқув юрти талабалари ўртасида ахборот воситаларидан фойдаланиш, ахборот истеъмоли маданияти тушуночаси шаклланишида муҳим туртки бўлди.

Энди айнан шу платформалардан ижтимоий-сиёсий вазиятни беқарорлаштиришга, миллатлараро ва конфессиялараро тотувчиликни бузишга қаратилган ахборот экспансиясига қарши ҳарқат тизимини барпо этиш, мамлакатимизнинг жаҳон ахборот маконига ва замонавий телекоммуникация тизимига интеграциялашувини тезлаштириш имкониятини оширишда самарали фойдаланишимиз лозим.

МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

РЕФЕРЕНДУМДА КУЗАТУВЧИЛАР ТЎСИҚСИЗ ИШЛАШ УЧУН ЗАРУР ШАРОИТ ЯРАТИЛАДИ

Марказий сайлов комиссиясининг 13 июль куни бўлиб ўтган навбатдаги мажлисида Марказий сайлов комиссияси томонидан 2022 йил биринчи ярим йилликда амалга оширилган ишлар, иккинчи ярим йилликка мўлжалланган режалар муҳокама этилди.



Марказий сайлов комиссияси 2022 йилнинг биринчи ярим йиллигида ўз фаолиятини қонунчиликда белгиланган ваколатлари ва юклатилган вазифалари, 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси ҳамда ўз иш режасига асосан ташкил этди ва амалга оширди. Хусусан, ўтган олти ойда умумэтироф этилган оқилона сайлов стандартлари, халқаро кўникмалар билан алоқаларни ривожлантириш ва аҳолининг электрал маданиятини юксалтиришга доир чора-тадбирлар кўрилди.

Мажлисда Марказий сайлов комиссиясининг 2022 йил иккинчи ярим йиллигида мўлжалланган иш режаси муҳокама қилинди ва тақдирланди. Иш режада мам-

лакатимиздаги ижтимоий-сиёсий ислохотлардан келиб чиқиб ўстувор вазифалар кўзда тутилган. Хусусан, мамлакатимизда амалга оширилаётган конституциявий ислохотлар муносабати билан ўтказилган референдумга пухта тайёрлик қилишга доир масалалар ҳам кўриб чиқилди. Бу борада "Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида"ги қонун ижросини таъминлаш мақсадида тайёрланган бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаси бўйича комиссия аъзоларининг ахбороти тингланди.

Йилги референдумнинг референдумда қонунчилик, ҳолислик ва очиқликни таъминлашда кузатувчиларнинг фаолияти муҳим аҳамиятга эга. Марказий сайлов комиссияси шу мақсадда маҳаллий ва хорижий кузатувчилар фаолиятини қўллаб-қувватлаш, улар очик ва алоқаларни ривожлантириш ва аҳолининг электрал маданиятини юксалтиришга доир чора-тадбирлар кўрилди.

Мажлисда Марказий сайлов комиссиясининг 2022 йил иккинчи ярим йиллигида мўлжалланган иш режаси муҳокама қилинди ва тақдирланди. Иш режада мам-

лакатимиздаги ижтимоий-сиёсий ислохотлардан келиб чиқиб ўстувор вазифалар кўзда тутилган. Хусусан, мамлакатимизда амалга оширилаётган конституциявий ислохотлар муносабати билан ўтказилган референдумга пухта тайёрлик қилишга доир масалалар ҳам кўриб чиқилди. Бу борада "Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида"ги қонун ижросини таъминлаш мақсадида тайёрланган бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаси бўйича комиссия аъзоларининг ахбороти тингланди.

Йилги референдумнинг референдумда қонунчилик, ҳолислик ва очиқликни таъминлашда кузатувчиларнинг фаолияти муҳим аҳамиятга эга. Марказий сайлов комиссияси шу мақсадда маҳаллий ва хорижий кузатувчилар фаолиятини қўллаб-қувватлаш, улар очик ва алоқаларни ривожлантириш ва аҳолининг электрал маданиятини юксалтиришга доир чора-тадбирлар кўрилди.

Мажлисда Марказий сайлов комиссиясининг 2022 йил иккинчи ярим йиллигида мўлжалланган иш режаси муҳокама қилинди ва тақдирланди. Иш режада мам-

Баҳор ХИДИРОВА, "Янги Ўзбекистон" муҳбири

ТАН ОЛИБ АЙТИШ КЕРАК, ҚУРИЛИШ СОҲАСИГА АЛОҚАДОР АМАЛДАГИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ЗАМОНАВИЙ ЭМАС ВА ЖАДАЛ РИВОЖЛАНИБ БОРАЁТГАН БУГУНГИ КҮН ТАЛАБЛАРИГА ЖАВОБ БЕРМАЙДИ. ШУНИНГ УЧУН ҲАМ БИТИРУВЧИЛАРНИ ЕТАРЛИ БИЛИМ ВА КЎНИКМАЛАРГА ЭГА ДЕБ БЎЛМАЙДИ.

Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти Ўзбекистон Республикасида қурилиш соҳаси учун кадрлар тайёрлаб берувчи етакчи таълим муассасаларидан биридир. 56 йиллик тарихга эга бўлган ушбу олий таълим муассасида ҳозирга қадар нафақат мамлакат, балки Марказий Осиё давлатлари қурилиш индустриясига қарашли ташкилот ва корхоналар учун чуқур билим ва малакага эга архитектор ҳамда муҳандислар тайёрланган.

Институтининг айнан ушбу қадимий ҳудудда очилишига 2750 йиллик тарихга эга бўлган Самарқанднинг Марказий Осиёдаги энг қадимий шаҳарлардан бири экани, бу ерда маданият юқори даражада ривожлангани, ноёб архитектура ёдгорликларига бойлиги, қадимдан илм-фан, маданият маркази экани асос бўлган.

Маълумотларга қараганда, Ўзбекистонда Маданий мерос агентлиги рўйхатига турган қадимий археологик объектлар сони 5 мингга яқин деб тахмин қилинади. Қолаверса, ҳали рўйхатга киририлмагани ҳам кўп. Шу боис, вақт ўтиши туфайли турли омиллар натижадада шикастланаётган қадимий объектларни тиклайдиган, реставрация қиладиган мутахассисларга талаб жуда юқори. Энди маданий мерос объектини тиклашга ихтисослашган йўналишлар очилиши бу масалани ҳал қилишда яна бир муҳим қадам бўлади.

Келгусида олий таълим муассасамиз халқаро таълим дастурлари асосида ўқитишни йўлга қўяди. Бу шундай тизимки, унда берилган даражалар миллий ва халқаро ҳамжамият томонидан

дарлар асосида тубдан такомиллаштирган ҳолда трансформация қилинади. Институтига академик, ташкилий-бошқарув ва молиявий соҳаларда мустақиллик берилиши бизга катта имкониятлар эшигини очиб беради, десак янглишмаймиз. Энди соҳа учун юқори малакали кадрлар тайёрланади, илмий-тадқиқот борасида фаолиятимизга маблағларни жалб этиш имконияти янада кенгайди ва фаолиятимиз самарадорлиги ошади. Шунингдек, ёшларни хорижий тилларда ўқитиш йўлга қўйилади ва илмий фаолиятга кенг жалб қилинади, таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг ўзаро интеграцияси мустаҳкамланади. Институт моддий-техник базасини мустаҳкамлаш масалаларини энди мустақил ўзимиз ҳал этамиз, халқаро ва миллий рейтингдаги ўрнимизни яхшилаш устида жамоамиз билан ҳамжиҳатликда куч-ғайратимизни ишга соламиз.

Ушбу жараён берадиган ваколатлар доирасида шу йилнинг сентябрь ойидан олий ўқув юртида замона талабларига мос мутлақо янги таълим йўналишлари бўйича талабаларни биринчи курсга қабул қилишни режалаштиряймиз. Шу ўринда бир гапни ишон билан айта оламани, Президент ташаббуси билан бошланган сайё-ҳаракатлар тўғрисидаги йилларда Ўзбекистонга, айниқса, қурилиш соҳаси бўйича хорижий давлатлардан мутахассисларни жалб қилишга эҳтиёт аста-секин камаяди. Уларнинг ўрнини ҳар томонлама билимли, рақобатбардош, ёш маҳаллий битирувчилар эгаллайди, деган умиддаман.

УСМОН НОСИР ТАВАЛЛУДИНИНГ 110 ЙИЛЛИГИ

ЧАҚМОҚДЕК УМР МЎЪЖИЗАЛАРИ



Ёкутой ЖАМОЛОВА,
Президент таълим муассасалари агентлиги тизимидаги Абдулла Орипов номидаги ижод мактаби директори ўринбосари

Усмон Носир 1912 йил 13 ноябрда Наманганда туғилди. Аммо унинг кейинги ҳаёти шоирлар ва фозиллар шахри сифатида машҳур бўлган Қўқонда кечди. Усмоннинг гўзаллиги, шеъриятга, она халқининг руҳий маданиятига муҳаббати шу қадар табиий ва оташин эдики, у ҳали интернет-да таълим-тарбия олаётган кезларидаёқ шеър ёза бошлади, ҳали навқирон ёшдаёқ Қўқон ахли ўртасида шухрат топди. Шунинг учун ҳам Усмон

Усмон Носир ўзбек шеърияти осмонида ёрқин ва сўнасма юлдуз каби пайдо бўлди. Йигирма беш ёшга етмасиданоқ нузли истеъдоди туфайли халқнинг севимли ва машҳур шоирларидан бирига айланди. Унинг номи юксак шеърият тимсоли бўлиб қолди. Катта ижодий ғайрат ва шижоатга эга шоир қисқа умри давомида ўлмас асарлар яратишга улгурди.

ўрта мактабни тугатиб, педагогик курсларда қисқа муддат ишлаганидан сўнг Кинематография институтида тахсил олиш учун Москвага юборилди.

Аммо у касаллиги сабабли бир йилдан кейин куёшли юртига қайтиб, 1932 йилда Самарқанддаги Педагогика академиясига ўқишга кирди. Унинг "Кўёш билан суҳбат", "Сафарбар сатрлар" деб номланган дастлабки тўпламлари шу йили нашр этилиб, Усмон Носирни истеъдодли шоир сифатида машҳур этди. Бу тўпламлардан кейин эса "Тракторобод" (1934), "Юрак" (1936), "Меҳрим" (1936) китоблари чоп этилди.

Усмон Носир 1935 йилда Тошкентга кўчиб келиб, ранг-баранг воқеа ва ҳодисаларга бой адабий ҳаётда фаол иштирок эта бошлади. У шу йилларда ўзининг энг сара шеърларини яратиш билан бирга, Пушкин ва Лермонтов шеъриятининг шохона намуналари — "Богчасарой фонтани" ва "Иблис" достонларини ўзбек тилига шундай маҳорат билан таржима қилдики, улар ўзбек таржимачилик санъатининг гўзал дурдоналарига айланди. В.Киршоннинг "Улуг кун" фантастик драматси, Н.Добролюбовнинг "Ҳақиқий кун қачон келадими?" мақоласи, Фирдавсий "Шохнома"сининг айрим парчалари таржимаси ҳам унинг қаламига мансубдир.

Усмон Носир ўз истеъдодини драматургия соҳасида ҳам синаб кўрган. Бизга унинг "Атлас" драматсида ташқари, "Зафар", "Душман", "Сунги кун" драмалари ва "Гўрўғли" операси либреттосини ёзгани ҳам маълум.

Шоир 1937 йилда туҳматга учраб, қатагон қилинди. "Усмон Носир улуг ва абадий шеъриятнинг дийдасидан оқиб улгурмаган шабнамдир, — деб ёзган эди Абдулла Орипов, — у ҳали қаҳқаҳага айланмай лабларимизда мангуга қотиб қолган ним табассумдир".

Эркин Воҳидов шоир ҳақида қуйидагиларни қайд этади: "Усмон Носирни кўрганлар унинг мард ва ўқтам йигит бўлганини, шу билан бирга, нозик руҳият эгаси эканини таъкидлайди. Қалби кенг, кўнгли очик, тўғрисуз ва жангари шоир йигитни кўп жиҳатдан рус шоири Сергей Есенинга ўхшаш кураман. Усмон Носир худди улкан рус шоири каби оловли, исёнкор қалб эгаси, шеърият уфқида ногаҳон балқиган ёруғ юлдуз эди... У ҳам ёруғ дунёни жуда эрта ва бевақт тарк этди. Есенин каби мушкул ва чалқаш давр гирдобиди ҳалок бўлди".

Ҳақиқатан ҳам Усмон Носир ҳаёти аянчли кечди, фожиали яқун топди. Чўнки у юрак шоири эди. Шу юрак билан юрт тақдирини ўқиб кўрган, Ватанига содиқлигини ҳаёти ва ижодида шоир қилиб олган эди.

Шоир ижоди билан танишар экансиз, аввало, юракнинг бедор уриши эшитилади, сўнг шеърнинг кўз илғамас торларидан таралаётган руҳият оҳанглари, ноталари энди сезиниб юрагингизни бедор қилади. "Шеърият авлодларнинг юрак тарихи, фикр ва ғоялар манбаигина эмас, руҳий оғриқ ва изтироблари комуси ҳамдир", деб ёзганди Иброҳим Ҳаққулов.



тўп билан ўққа тутмади", дейди Расул Ҳамзатов. Усмон Носир ўттизичи йиллардаёқ тарихни оёқ ости қилиб, хотирасизлик билан эрк ва истиқболга етишмоқ ниятидаги телбаларга, албатта, маломат ва нафрат ўқлари отилишига ишонанди. Келажак унинг ҳақлигини исботлади".

Шўро ҳукуматининг кундаси олдида турган шоир дориломон замонлар келиб, яна эъзозланишини билган ва ана шу ишонч унга мислсиз ёвузлик ва тенгсиз кучга қарши курашда мадад берган.

1937 йилнинг 13 июлида Ҳибсга олинганидан то сўнги нафасига қадар Усмон Носир ойнинг ёруғ кунларини кўрмади. Ойнинг қоронғи 15 кунга эса унинг учун етти йилдан ортиқ давом этди. Сталинча қирғин йилларида минглаб кишилар "халқ душмани" сифатида ўлим лагерларида инсон зоти чидиши мумкин бўлмаган азобларга дучор бўлдилар. Лекин улар орасида Усмон Носирчакил дўзах қийноқларини бошдан кечирган жабрдийда кам топилса керак.

"Усмон Носирнинг сўнги кунлари" китобида бундай ёзилади:

"1944 йил, 9 март, пайшанба ўзбек шеъриятининг ёқут юлдузларидан бири Усмон Носирнинг сўнаган кун. Сталинча истибоддага асосланган тузум уни шу кунга аядақоқ сингари, ниҳоят, ямлаб-ютиб юборди!..

Шоир жасади қарийб бир ҳафта давомида ўлиқнонада ётди. Суслора қишлоғидаги маҳбуслар қабростони ҳали қарахт ўйқуда, қалин қор остидаги тупроқ эса тошдан ҳам қаттиқ эди. Бунинг устига, мурдаларни лагер аравасида қабростонага ташувчи маҳбуслар, одатга кўра, бир неча кун араванинг тўлишини кутар эдилар.

Хуллас, 15 март, чоршанба кунга олмас ва соғуқ рус тупроғи Усмон Носирнинг музлаб қолган жасадини ўз бағрига олди..

Мана, ниҳоят, бу дунёга сиғмаган бахтсиз шоир 32 ёшида қора ер остига кирди. Бу дунёга бўлбўлиб келган, аммо қалб тори, шеърый истеъдоди тори эндигина таранг тортила бошлаган, ўз юртининг, халқининг пешонасида мустақиллик офтоби нуруларини кўришни орзу қилган шоир — қора зулмининг, қора туҳмат ва қора ҳасаднинг қурбони бўлган шоир шу зайдда оламдан ўтди".

Ўзбекистон Президентининг "Оташын шоир, таржимон ва драматург Усмон Носир таваллудининг 110 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида"ги қарори таланти шоиримизнинг ҳалқимиз қалбини мангу барҳаёт эканини яна бир қалъа исбот этди.

Усмон Носирнинг ўзи "Богим" шеърисида ишонч билан ёзганди:

Барҳаёт узлиб кетсам,
Унутмас мени богим.

ҲУНАРМАНДЛИК

КЎҲНА ЮРТНИНГ МОҲИР УСТАЛАРИ

Улар ясаган маҳсулот сифатини билмоқчи бўлсангиз, чертиб кўринг

Расулжон КАМОЛОВ,
"Янги Ўзбекистон" муҳбири

Риштон кулолчилик мактаби анъаналари қарийб саккиз йиллик тарихга эга. Оддий тупроқдан мўъжиза яратаётган ҳунармандлар ясаган буюмлар донғи дунёга таралган. Ана шундай кулоллар ҳақида сўз кетганда "Шухрат" медали соҳибии Алишер Назаровнинг ижодий фаолияти алоҳида эътироф этилади. У ярим асрдирки, тупроққа "жон" бериб, мўъжиза яратиб келаётган кулолчилар сулоласининг давомчиларидан.

Алишер ўн икки ёшидан кўҳна юртнинг моҳир усталари Элбек Далиев, Абдуқодир Кимсанбоевдан кулолчилик сирларини ўргана бошлаган. Бугунги кунгача бобомерос ҳунармандлик мактаби анъаналарини давом эттириб, унинг мафтункорлиги, жозибадорлигини оширишга ҳисса қўшиб келмоқда. Айтишларича, Риштон кулолчилик маҳсулотлари сифатини билишни хоҳловчилар уни қўлига олиб, бир чертиб кўрса кифоя. Ундан таралган сеҳрли сас мисоли кўйга айланади, узок вақт жарағлаб туради. Қолаверса, табиий кўриниши, ранг тасвирларга бойлиги билан ҳар қандай кишини ўзига ром этади.

Бунда "Устоз — шогирд" анъаналари асосида олиб борилаётган амалий ишлар катта аҳамият касб этмоқда. Кулол устахонаси ана шу ҳунарга меҳр қўйган ёшлар билан гавжум. Хусусан, сопол буюмлар ишлаб чиқариш, табиий гиёҳлардан сир, ранг тайёрлаш жараёнларини қамраб олган йўналишлар ёш кулоллар ҳаёт тарзида янги имконият эшикларини очмоқда.

Бу ерда мураккаб ва нафис нақшлар ўзига хос услубда яратилган, бир-бирини тақорламаган сержило кулолчилик буюмларига алоҳида ўрин ажратилган. Кулол устахонасига оддий тупроқдан ноёб асар яратилиши жараёни билан қизиққан сайёҳлар, меҳмонлар келиб туради. Улар буюмларни тайёрлаш жараёнида ҳам бевосита иштирок этиш имкониятига эга.

— Ҳар бир маҳсулот яратилиши учун кулолдан меҳнат, кунт, сабр талаб қилади, — дейди Алишер ака. — Масалан, оддий пиёла тайёр ҳолга келгунча қўлдан-қўлга ўтади. Унда акс этган ҳар бир чизик, тасвир, рангларнинг ўзаро уйғунлиги муҳим ҳисобланади. Асосий эътиборни Риштон кулолчилик мактабига

хос бўлган ранг-тасвирларни сақлаш ва ривожлантиришга қаратганими. Масалан, локувард-мовий ранг инсон қалбига улугворлик бағишлаб, ғалаба сари даъват этади. Мис-феруза, малҳаш-кўнғир, зардпазлик-сарик, сафедпазлик-оқ ранглар кўҳна кулолчилик анъаналарида алоҳида аҳамиятга эга.

Табиий гиёҳлардан тайёрланган бу ранглар бир-бири билан уйғунлашиб буюмларга ўзига хос жозива беради, асарлар давомида ўз кўринишини йўқотмаслик хусусияти билан ажралиб туради. Шу боис, маҳсулотлар нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам машҳур ва харидордир. Айни кунда АҚШ, Франция, Германия, Бельгия, Швейцария, Австрия, Россия сингари мамлакатлар билан савдо-сотик алоқалари йўлга қўйилган.

Президентимиз ташаббуси билан қуриб битказилган Риштон Халқаро кулолчилик маркази миллий ҳунармандлик мактабига янги ҳаёт йўлини бошлаб берди. Албатта, бу ўз-ўзидан амалга ошириб қолаётгани йўқ. Аввало, мамлакатимизда ҳунармандлик, тадбиркорлигини ривожлантириш, қўллаб-қувватлаш борасида берилаётган имтиёз ва имкониятлар жуда қўл келмоқда. Тайёрланган маҳсулот турлари кўпайиб, экспорт ҳажми ортиб борапти.

Равшанжон Тожиiddинов ҳам уста кулоллар сулоласидан. Бобоси, отаси машҳур кулол бўлиб, шу ҳунари орқасидан оила тебратган, эл-юртага хизмат қилган. Ёш кулол бобомерос ҳунармандлик анъаналарини ривожлантириш, турларини кўпайтиришга ҳаракат қилмоқда. Айни кунда "Р-Корон" корхонаси томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ички ва ташқи бозорда харидордир. Етмиш нафардан ортиқ ёш ҳунарманд 300 турга яқин кулолчилик буюмлари ишлаб чиқармоқда. Бу ерда



ясалган баландлиги 2 метр 22 сантиметр бўлган улкан кўза, диаметри 1 метр 20 сантиметр, оғирлиги 81 килограмм, бир вақтда 40 килограмм ош сиғадиган сопол товоқ ҳайратингизни оширади.

— Дунёда кулолчилик анъаналари, турлари кўп, жуда ранг-баранг, — дейди италиялик сайёҳ Даниела Марсореел. — Аммо оддий тупроқдан яратилган мўъжизалар — санъат асарларига боқиб жуда ҳайратландим. Италияда ҳам кулолчилик анъаналари ривожланган, лекин риштонлик кулоллар кўл меҳнати ила ясалган маҳсулотлар табиий кўриниши, бир-бири билан уйғунлашган ранг-тасвирларга бойлиги билан ўзига ром этади.

Мозий ва замон уйғунлиги

XIX аср бошларида Риштон кулолчилик маҳсулотлари нафақат Фарғона vodiysида, шунингдек, бутун Марказий Осиё ҳамда Европа давлатларида ўз ўрнига эга бўлган. Шаҳар 300 дан ортиқ киши ишлайдиган 100 га яқин кулол устахоналарини ўз ичига олган. Ушбу даврда Қўқон хонлиги ва Шарқий Туркистон ҳунармандлари узвий алоқалар ўрнатган.

Риштон туманида кулолчилик ривожланишига асосий сабаб — ҳудудда катта ҳажмдаги табиий тупроқ захирасининг мавжудлиги.

Алишер Навоий номидаги маҳалла фуқаролар йиғинидаги собиқ кулолчилик заводи ўрнида "Кулоллар шаҳарчаси" санаот зонаси ташкил этилди. Бу ерда Риштоннинг машҳур оддий қизил тупроқдан лой, ярим тайёр сопол маҳсулотлар ҳамда тайёр керамик буюмлар, мебель, йўл плитчалари, акфа эшик ромлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган 37 та тадбиркорлик субъекти фаолият юртимокда.

Санаот зонасида ишлаб чиқариш учун муҳим бўлган инфратузилма тармоқлари яратиш мақсадида вилоят маҳаллий бюджетни ҳисобидан 3,3 миллиард сўм маблағ ажратилиб, табиий газ, электр тармоқларини тортиш ишлари олиб бориляпти.

Янги лойиҳалар ишга туширилиши натижада 500 тадан ортиқ иш ўрни яратилди, 3000 нафардан зиёд киши касаначилик асосида иш билан таъминланди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Қасаба уюшмалари федерацияси кенгаши ҳамда "ММ Порклейн" МЧЖ ташаббуси билан "Аёллар дафтари"га киритилган, ишлаш истагида бўлган ишсиз аёллар бандлигини таъминлаш учун 1 миллиард сўм субсидия ажратилди.

— Бу ерда 100 нафар ишсиз аёлнинг бандлиги таъминланди, — дейди корхона раҳбари Мухайё Сатторов. — Ишлаш истагида бўлган "Темир дафтар," ва "Аёллар дафтари"га кирганларни

"Устоз — шогирд" анъанаси асосида ҳунар ўргатиб, ишга жалб этамиз. Шунингдек, уй шароитда касаначилик асосида ишлаш истагини билдирган хотин-қизлар билан ҳам самарали иш олиб бораёلمиз.

Қўламини кенг испоҳотлар натижасида экспорт ҳажми ва географияси тобора кенгайиб бормоқда. Утган йилнинг ўзида 1 миллион 85 минг АҚШ долларлик маҳсулот экспорт қилинган бўлса, жорий йилнинг дастлабки чорағида бу кўрсаткич салмоғи 500 минг АҚШ доллардан ошди. "Мингбоши Керамик" оилавий корхонаси томонидан умумий қиймати 10 миллиард сўм инвестиция лойиҳаси асосида кулолчилик кооперацияси ташкил этилди. Корхонада 100 нафар доимий иш ўрни яратилди. Бу ерда бир вақтнинг ўзида сайёҳлар учун кулолларнинг ноидар асарлари сақланган шовурм, ишлаб чиқариш, безак бериш цехлари ташкил этилди. Фарғона давлат университетининг санъатшунослиги йўналишида тахсил олаётган 100 нафардан зиёд талабасини бу йўналишга жалб қилиш, уларнинг назарий билимларини амалиёт билан мустаҳкамлаш учун корхона ва университет ўртасида кенг ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилди.

Ҳамкорликнинг янги босқичи

Шу кунга қадар кулоллар иш амалларини кунчиқар мамлакат — Японияда намойиш қилган. Эндликда Италия ва Туркия мамлакатлари ҳунармандлари билан ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилди.

Уста кулоллар Италиянинг кулолчилик санъати ривожланган Дерута шаҳрида бўлиб, ўзаро тажриба алмашди. Жорий йил 21-26 май кунлари Италиянинг Бишелье шаҳрида Риштон кулолчилик маҳсулотлари кўргазмаси бўлиб ўтди.

Кўргазмадан уста кулоллар Рустам Усмонов, Шерзод Каримов, Равшан Тожиiddинов ҳамда Шокиржон Ахмаджоннинг ижодий ишлари ўрин олди. Кўргазма меҳмонлари Риштон кулолчилиги ва чинни маҳсулотлари сифати, ўзига хос кўринишига юқори баҳо берди. Бошқача айтганда, мазкур кўргазма кўҳна юртнинг ўзига хос кулолчилик анъаналарини



тарғиб этиш, ривожлантириш, ҳамкорлик алоқаларини кенг йўлга қўйишда ўзига хос имкониятлар берди.

— Алоқаларимиз кенгайиб бораётгани қувончли, — дейди "Ҳунарманд" уюшмаси туман бўлими раиси Бунёд Юнусов. — Эндликда Туркиянинг энг йирик кулолчилик марказларидан бири бўлган "Виарот" заводи билан алоқалар урнатилди. Дунёнинг 5 қитъасидаги 83 та мамлакатга ўз маҳсулотларини экспорт қилувчи ушбу корхона риштонлик кулоллар меҳнати, ижодий изланишларини юқори баҳолади. Айни пайтда замонавий ишлаб чиқариш тармоқлари учун техника ва технологиялар олиб келиш, тажриба алмашиш борасида истиқболли лойиҳалар амалга ошириляпти.

Сирасини айтганда, кулолчилик бе-назир ҳунар. У кунт ва чидам, синчковлик талаб этади. Ота-боболаримизнинг сопол буюмларни қўлда ясаган санъатини ривожлантириш йўлидаги ишлари кўҳна ҳунари тараққиётида муҳим қадам бўлмоқда.

"Янги Ўзбекистон" ва "Правда Востока" газеталари таҳририяти" ДУК

Бош муҳаррир: **Салим ДОНИЁРОВ**

МУАССИС: **Ўзбекистон Республикаси Вази́рлар Маҳкамаси**

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "ШАРҚ" НМАК масъул. Босмахона телефони: (71) 233-11-07

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридagi Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган. **Нашр индекси** — 236. **Буюртма** Г-764. 82285 нусхада босилди. **Ҳажми** — 3 табоқ. **Офсет** усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2. Баҳоиси келишилган нархда.

"ШАРҚ" наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Мухтасар Тожимаматова
Мусаҳҳиж: Шерзод Махмудов
Дизайнер: Зафар Рўзиев

Манзиллими: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

ЎАЯ ақони — 23:05 Топширилди — 00:05

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибят: (0-371) 233-56-60 Ўзлонлар: (0-371) 233-57-15 E-mail: info@yuz.uz